

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**“МОЛИЯ БОЗОРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР”
КАФЕДРАСИ**

ИСАЕВ ОТАБЕК ШОТУРСУН ЎҒЛИ

**МОЛИЯ БОЗОРИДА БАНКЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИ
ТАРТИБЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**5341600 – “Бозорлардаги фаолият ва операциялар” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА

I-боб. Банкларнинг молия бозоридаги фаолияти ва уни тартиблаштиришнинг назарий асослари

1.1. Молия бозорларида банклар фаолиятини тартиблаштиришнинг
моҳияти

1.2. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолияти механизмини тартибга
солишнинг вазифалари

1.3. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини
тартиблаштиришнинг жаҳон тажрибаси

II-боб. Ўзбекистонда тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштириш механизмининг таҳлили

2.1. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини
тартиблаштиришнинг қонуний-меъёрий асослари таҳлили

2.2. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини
тартиблаштириш механизмининг таҳлили

III-боб. Тижорат банкларининг молия бозори фаолият механизмини тартибга солишни такомиллаштириш йўллари

3.1. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартибга
солишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш йўллари

3.2. Банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини мувофиқлаштиришни
механизмини такомиллаштириш масалалари

Хулоса ва таклифлар

Кириш

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги. Мамлакатимизда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги қайд этилди. 2010 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8.5% га, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8.3% га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6.8% га, қурилиш ишлари ҳажми 8.1% га, чакана товар айланмаси 14.7 % га, пуллик хизмат 13.4% га кўпайди.¹ Ушбу барқарорлик банк-молия тизимида ҳам кузатилди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартибга солиш ва фонд бозори капитализация даражасини, иштирокчиларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг инвестицион фаоллигини ушлаб туриш мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммоларни самарали ечими молия бозорида банкларнинг рақобатбардошлилиги ва ҳавфсизлиги, барқарорлиги ва ликвидлиги, инвесторлар учун жалбдорлиги ва рисксизлиги даражасини таъминлаш билан узвий боғлиқ.

Жаҳон молия бозорларидаги инқироз Америка Қўшма Штатларида (АҚШ) ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобиляти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати халокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида,

¹ И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан.

кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

“Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа тадқиқодларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»².

Яна шуни такидлаш жоизки 2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.³

Ҳозирги даврда банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштириш – давр талаби бўлиб, жаҳон глобал инқирознинг таъсири натижасида фонд бозоримизни ўлчайдиган асосий индикаторларнинг пасайиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, молиявий инқироз шароитида қимматли қоғозлар бозорини самарали тартиблаштириш учун мавжуд қонуний-меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш, фонд бозори инфратузилмасини ривожлантириш, иштирокчилар фаолиятини юритишда ва ташкил этишда янги иқтисодий нормативларни қўллаш, ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар

² Каримов И.А «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартариф этишнинг йўллари ва чоралари» Т.: Ўзбекистон, 2009 й.

³ 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

фаолиятларини такомиллаштириш каби вазифаларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Бунда Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта фонди, "Ўттизлик гуруҳи" (ўзларининг қимматли қоғозлар бозорларини ташкил этишни бошлаётган барча мамлакатларга ягона бўлган ёндашувлар ва қоидаларни тавсия этган халқаро ташкилот) каби турли йирик халқаро ташкилотларнинг тавсиялари инобатга олинади. Молиявий инқироз шароитида Ўзбекистонда банкларнинг молия бозорини тартибга солиш механизмини ўрганиш, ҳамда фонд бозорида «инвестиция муҳитини» яхшилашда, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қила олиш қобилиятини оширишда юқори даромад келтирувчи инструментларни жорий этиш, қимматли қоғозларнинг тез олди-сотди қилиш учун шароитларни яратиш, яъни қимматли қоғозларнинг ликвидлилиги ва айланувчанлигини оширишда, фонд бозорини тартибга солиш механизмини илмий асосда ўрганиш бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда банкларнинг молия бозорларидаги фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар кўзда тутилган:

- молия бозорларида банклар фаолиятини тартиблаштиришнинг моҳиятини ўрганиш;
- банкларнинг молия бозоридаги фаолияти механизмини тартибга солишнинг вазифаларини кўриб чиқиш;
- молиявий глобаллашув шароитида банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштиришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш;
- банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштиришнинг қонуний-меъёрий асослари таҳлил қилиш;
- банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштириш механизмини тадқиқ этиш;

- банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштиришда институционал тузилмасини ўрганиш;
- банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меёрий асосларини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб бериш;
- банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини мувофиқлаштиришни механизмини такомиллаштириш масалалари ва самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг предмети иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб банкларнинг молия ва қимматли қўғозлар бозоридаги фаолияти ҳисобланади.

I-боб. Банкларнинг молия бозоридаги фаолияти ва уни тартиблаштиришнинг назарий асослари

1.1. Молия бозорларида банклар фаолиятини тартиблаштиришнинг моҳияти

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Жамият яхши тараққий қилган банк тизими ва банклар фаолиятига эга бўлмасдан соғлом тараққий қилиши мумкин эмас.

«Банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини, банкларсиз сармоялар бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз. Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турмоғи лозим...».⁴

Мустақил Ўзбекистон иқтисодини ривожлантириш, унинг барқарорлигини таъминлаш ва кўп укладли бозор иқтисоди асосларини тўлиқ шакллантиришда банкларнинг роли беқиёсдир. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Банклар иқтисодиётда ўзига хос локомотив вазифасини бажармоғи керак».

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, тўловларни амалга ошириш ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланади.⁵

Иқтисодиётни самарали бошқариш унинг муҳим субъекти бўлган банклар фаолиятини ўрганишни, уларнинг ишлаш усуллари, функция ва операцияларини билишни тақозо қилади. Тарихий тараққиёт давомида

⁴ Каримов И.А Биздан озод ва обод ватан қолсин.-Тошкент; «Ўзбекистон»1996 й. 45-б

⁵ Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Қонун, 1-модда 1996 йил, N 216-I

банклар маблағларни йиғиш, сақлаб бериш, кредит-ҳисоб ва бошқа турли хил воситачилик операцияларини бажариб келганликлари сабаб, банклар кредит муассаса бўлиб, фойда олиш мақсадида банк барча рискларни ўзига қабул қилган ҳолда операцияларини амалга оширадilar.

Банкларнинг пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий - иқтисодий тузумларда банкларнинг ҳам бўлишини тақозо қилади. Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқа давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган корхоналарга ссудалар беришган. Бу пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган. Кейинчалик саноат ривожланиш натижасида кўпгина мамлакатларда банклар ташкил қилинган. Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хўжалик муносабатларининг тугаши савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўллайдиган фоиз билан жойлаштирган ресурслари бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқ (маржа)дан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунининг 4-моддасига келтириб ўтилгандек "Банк-тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган

яъни:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисоб варақларини очиш ва юритиш, ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

- омонатларни жалб этиш;

- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

- молиявий лизинг;

- халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган

бошқа операциялар.

Демак, банк барча рискни ўз зиммасига олиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилиб, банк ресурсларини ташкил қилган ҳолда, бу маблағларни муддатлилиқ, қайтариб беришлиқ, тўловлилиқ ва таъминланганлиқ шартлари асосида ўз номидан жойлаштиради, ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоб ва воситачилиқ операцияларини олиб боровчи кредит муассаса ҳисобланади.

Тижорат банклари молия тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий, жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатадилар. Банк бу шундай ташкилотки, унда хом ашё бўлиб депозит ва қуйилмалар ҳисобланса, охириги товар - бу берилган ссудалардир. Депозит ва қуйилмалар жалб қилинган қарз маблағлари, берилган ссудалар эса - жойлаштирилган маблағлар бўлиб ҳисобланади.

Банкнинг асосий фаолияти воситачилиқ билан боғлиқ бўлиб, у пул маблағларни қарз берувчидан қарз олувчиларга ўтказиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажаришдан иборат. Банклар билан бир қаторда пул маблағлари ҳаракатини бошқа молиявий ва кредит ташкилотлари, инвестицион фондлар, суғурта компаниялари ҳам амалга оширадилар. Бироқ банкнинг молиявий рискларнинг субъекти сифатида юқорида келтирилган бошқа субъектлар фаолиятидан фарқ қиладиган иккита ўзига хос хусусияти мавжуд:

биринчидан, банклар фақат улар учун хос бўлган қарз мажбуриятларини (депозитлар, омонат сертификатлари ва бошқалар) чиқарадилар ва бу йўл билан йиғилган маблағларни бошқа субъектлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятларига жойлаштирадилар. Банкнинг бу хусусияти молиявий брокер ва диллерлар фаолиятидан фарқ қилади, чунки улар молия бозорида ўз қарз мажбуриятларини чиқармасдан фаолият кўрсатадилар.

иккинчидан, банклар жисмоний ва юридик шахслар олдида

мижозларнинг пул маблағларини ҳисобварақларига қўйиш ва жамғарма ўтказиш, депозит сертификатларини чиқариш ва бошқалар орқали қатъий белгиланган қарз мажбуриятларини оладилар. Қатъий белгиланган қарз мажбуриятлар билан фаолият кўрсатиш банклар учун рискни ҳисобланади, чунки банклар ўз кредиторлари олдида олган мажбуриятларини тўлиқ бажаришлари лозим.

Банклар бажарадиган функциялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли хил бўлиши мумкин. Шундай қилиб, банк тизими миқёсида олиб қарайдиган бўлсак банклар қуйидаги функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва капиталга айлантириш;
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш;
- тўлов жараёнларида воситачилик қилиш;
- муомалага кредит воситаларини чиқариш.

Халқ хўжалигидаги вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш - банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функциянинг амалга оширилиши натижасида бир томондан, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари бўйича маълум миқдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томонидан бу маблағлар банкларнинг кредитлаш қудратини ташкил қилади ва бу ресурсларга асосланган ҳолда банклар ссуда операцияларини олиб боради. Вақтинча бўш маблағлар банклар иштирокисиз бир корхона томонидан иккинчи корхонага вақтинча фойдаланишга бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташкил қилишда маълум қийинчиликлар юзага келиши мумкин:

Биринчидан, кредитга суралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма ўртасида номутаносиблик бўлиши мумкин;

Иккинчидан, ортиқча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларни вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонани қондирмаслиги мумкин;

Учинчидан, банклар иштирокисиз корхоналарни тўғридан-тўғри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий аҳволини

тўлиқ ўргана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг тўловга лаёқатсиз бўлиши кредитор корхонанинг ҳам молиявий аҳволининг ёмонлашувига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келиши мумкин.

Халқ хўжалигидаги барча бўш маблағларнинг банк томонидан йиғилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслар ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратади. Ундан ташқари банк корхоналарнинг тўловга лаёқатлилигини ҳар томонлама таҳлил қилиши, уларнинг молиявий аҳволини баҳолаб бера олиши мумкин.

Демак, иқтисодий ривожланишининг ўсиши банк кредитининг кўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади. 60-йиллардан бошлаб банклар йирик миқдорларга хизмат кўрсатишга ихтисослаша борди. Бу мақсадни амалга ошириш учун банклар маблағларни жалб қилиш миқёсини, истеъмол учун кредитлар бериш кўламини кенгайтирди.

Шу ўринда тўловларда воситачилик функциясида банклар ўз миқдорларининг топшириғига асосан тўлов жараёнларини амалга оширади, ҳисоб варақларига маблағларни қабул қилади, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, миқдорларга пул маблағларини беради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки ҳисоб-китобларнинг банк орқали олиб борилиши муомала ҳаражатларининг камайишига олиб келади. Миқдор мамлакат ичида ва бошқа мамлакат билан қийинчиликсиз ўз маблағларини банк орқали ўз ҳисоб варақасидан бошқа корхона ҳисоб варақасига ёки бошқа мамлакат банкига ўтказиши мумкин. Банк кредитининг манбаи фақат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси ҳам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин. Ундан ташқари, кредит

ёрдамида муомалага нақд пуллар банкноталар чиқарилади. Банк кредит пуллар чиқариш депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида тутган алоҳида мавқеи шундан иборатки, улар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда, ушбу бозор катнашчиси сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча вазифаларда, хусусан: - акциялар, депозитлар ва омонат (жамғарма) сертификатлар ҳамда банк векселлари эмитентлари сифатида;

- бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олувчи сармоядорлар сифатида;

- ўз мижозларига маслаҳатлар берадиган, депозитар операцияларини бажарувчи, қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция муассасалари сифатида катнашиши мумкин. Мижозларнинг қимматли қоғозлари портфелини бошқариш бўйича банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар уларга катта даромад келтиради. Мижозларнинг хоҳиши бўйича уларнинг пуллари хавфли ёки нисбатан ишончли қимматли қоғозларга қўйилма қилинади. Бунда банклар ўзаро қаттиқ рақобатни бошидан кечиришига тўғри келади, чунки мижозлар бир вақтнинг ўзида бир неча банкларга бундай операцияларни бажаришни топшириши, кейинчалик эса, маблағлари энг кўп самара берадиган битта банкни танлаб олишлари мумкин.

Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш вақтида уларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқ ҳисобини юритиш мақсадида банклар ўз депозитарийларини яратади. Айни вақтда улар банкларда жойлашган. Банк депозитарийлари қимматли қоғозларни нақд ва нақд бўлмаган шаклларда, компьютер тизимларида электрон шаклдаги ёзувлар воситасида сақлайди.

Банклар, шунингдек қимматли қоғозлар учун ҳисоб-китоб бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар вазифасини бажариши ҳам мумкин. Банклар томонидан инвестиция муассасаларининг таъсис этилиши алоҳида

аҳамият касб этади, чунки улар орқали қимматли қоғозлар бозорида биратўла бир неча йўналишлар бўйича иш олиб борилади. Тижорат банкларнинг мамлакат қимматли қоғозлар бозорининг шаклланишига ортиб бораётган эътибори, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган тобора ўсиб боровчи эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир, чунки уларсиз ижтимоий ишлаб чиқаришни чуқур қайта қуриш, экспорт салоҳиятини ўстириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш мумкин эмас.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида операцияларининг фаоллашувининг муҳим омили уларнинг устав ва айланма фондларига ўз қимматли қоғозлари эмиссияси асосида қўшимча ресурсларни жалб этишда эҳтиёжнинг кучайиб бораётганидир. Тижорат банкларининг мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорида тутган алоҳида мавқеи яна шундан иборатки, улар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда, ушбу бозорнинг малакали иштирокчиси сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча хилдаги вазифаларни бажариши мумкин. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- қимматли қоғозларнинг акциялар, депозит жамғарма сертификатлари, депозит сертификатлари ва банк векселларини муомалага чиқарувчи эмитентлар сифатида;

- ўз мижозларига қимматли қоғозлар бозорига доир маслаҳатлар, улар учун реестр юритувчи ва депозитар операцияларни бажарувчи сифатида;

- иқтисодиётнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари ва давлатнинг қимматли қоғозларининг (давлат қисқа муддатли облигациялари ва давлат ўрта муддатли облигациялари) сотиб олувчи сармоядорлар сифатида;

- ўз мижозларига қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш учун уларга берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар кўрсатадиган инвестиция институти сифатида қатнашиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорининг умумий инфратузилмасини таркибий қисмидир ва ушбу вазифада уларнинг роли ниҳоятда катта, чунки амалиётда қимматли қоғозлар бозорининг ҳар бир

иштирокчиси тижорат банкининг хизматисиз иш олиб бора олмайди. Чунки тижорат банки уларнинг ҳисоб-китоб рақами ва бошқа ҳисоб рақамини очади, уларда пул маблағларини, шу жумладан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини амалга ошириладиган маблағларни сақлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, қимматли қоғозлар бозорининг барча катнашчилари орасида банклар шу билан фарқланадики, улар бир вақтнинг ўзида фонд бозорининг қонунчилик билан рухсат берилган деярли барча молиявий воситаларида: акция, облигация, депозит сертификатлари ва векселларда эмитентлар сифатида катнашиши мумкин.

Тижорат банклари операцияларини миллий ва жаҳон молия бозорларида ҳеч қайси кредит институтлари бажара олмайди. Ҳар қайси мамлакат миллий банк тизимини самарадорлиги ва барқарорлигини давлатнинг келажаги сифатида кўради. Аввал қайд этилганидек, банклар инвестиция муассасалари вазифаларини ҳам бажариши мумкин. Турли мамлакатларда тижорат банклари буни қимматли қоғозлар бозорини умумий назорат этадиган органининг рухсати билан ёки марказий банкдан банк фаолиятини амалга ошириш учун олинадиган умумий лицензия (рухсатнома) доирасида амалга оширади. Ўзбекистонда банклар қонуний жиҳатдан қайд этилган тижорат банклари ва инвестиция банкларига ажратилмаган, шу сабабли тижорат банклари инвестиция муассасаларига хос бўлган вазифаларни эркин бажараяпти.

Шунга алоҳида тўхталиш жоизки банклар қимматли қоғозлар билан операцияларни Марказий банк томонидан бериладиган умумий лицензия асосида амалга оширишлари мумкин. Лицензияда кўрсатилган, банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар рўйхатида қимматли қоғозлар билан олиб бориладиган фаолият махсус қайд этилган бўлиши керак. Банклар қимматли қоғозлар билан фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги маълумотларни кўрсатиши лозим:

- қимматли қоғозлар билан режалаштирилаётган фаолиятнинг батафсил тавсифи, ушбу фаолиятни амалга оширишда банк қандай сиёсат олиб бориши

ва қандай тадбирлардан фойдаланмоқчи эканлиги;

- банкнинг ушбу фаолиятни амалга ошириши натижасида олинishi кўзда тутилаётган фойданинг тахминий миқдори (фоизлар ҳисобида);

- бундай фаолият устидан ўрнатиладиган ички назорат турлари ва унга қўйиладиган талаблар;

- қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган шахслар учун битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва чеклашлар бўйича ваколатлар;

- қимматли қоғозлар билан битимларни амалга оширадиган шахсларга қўйиладиган малакавий талаблар;

- банкнинг ички ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш ишларига раҳбарлик қилиш;

- қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар мониторинги бўйича ахборотлаштириш тизимида қўйиладиган талаблар.

Банклар кўп сонли мижозларига эга бўлиб, уларга нафақат кредит ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиб қолмасдан, балки уларга чет эл сармоядорини танлаш, сармоядорларга инвестиция объектларини танлаш билан боғлиқ бўлган инвестицион консалтинг соҳасидаги хизматлар кўрсатишни ҳам амалга оширади. Бунда банклар техник иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган, потенциал самарадорлик баҳосини ўз ичига олган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқади, халқаро андозаларга мувофиқ лойиҳа ҳужжатларни тайёрлайди, амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида маркетинг тадқиқотлари олиб боради. Бунда энг мақбул эмиссия портфелларини шакллантириш, инвестицияларни жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиш, мижознинг ўзига керак бўлган пул маблағларини жалб этиши учун ёрдам берадиган воситаларни танлаш, қимматли қоғозлар эмиссияси учун бизнес режаларни ишлаб чиқиш, молиявий воситаларнинг ҳар хил турлари бўйича олинадиган даромадларни тахмин қилиш муҳим банк хизматларидир. Ўзбекистонда банклар ўз мижозларига бепул, техник хусусиятдаги кўпгина оғзаки маслаҳатларни беришади.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўпгина банклари фаолиятида 300 дан ортиқ банк операциялар мавжуддир. Чунки ишлаб чиқаришнинг тинимсиз ривожланиб бориши, жамиятнинг янада банк хизматларига бўлган талабни доимий равишда ортиб бориши тижорат банкларидан банк хизмати соҳасида янада янги хизмат турларини ишлаб чиқишни ва амалиётга тадбиқ этишни тақозо этади. Агарда бу соҳада рақобат оламида бошқа тижорат банкларидан орқада қолиб кетса, у ҳолда бу банк ёки «синади» ёки банк хизмати оламида мижоз талабига мос хизматларини ўз вақтида таклиф этаётган банк томонидан «ютиб» юборилади. Банклар хизматларига бўлган талабнинг ошиши банк тизимида доимий равишда ислохотлар, янгиликлар киритишини талаб қилиб турибди.

Юқорида айтиб ўтилганидек ҳозирги кунда жаҳон банклари амалиёти жуда кўплаб янги банк операциялари мижозларга таклиф қилинмоқда, шунингдек бу операциялар банкларнинг ва мижозларнинг фаолиятини самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жаҳон банклари амалиётда янги банк операцияларидан бири саналган, шунингдек, банк фаолияти жуда кенг қўлланилаётган факторинг фаолиятига тўхталиб ўтсак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки факторинг банк учун ноънанавий хизмат тури ҳисобланади, чунки факторинг операция билан махсус факторинг компаниялари ҳам шуғулланадилар. Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, факторинг операцияларини олиб борувчи факторинг компаниялари ёки биронта йирик банк билан бағланган, ёки биронта банкнинг шўъба шахобчаси ва баъзи ҳолларда банкларининг ўзи бўлиб ҳисобланади. Факторинг инглизча “factor“, яъни “агент” ёки “воситачи” маъносини англатади⁶. Бу савдо-восита операцияларининг бир тури бўлиб у мижознинг (банкнинг ёки факторинг компаниясининг мижози) айланма капиталини кредитлаш билан узвий боғлиқдир. Факторингнинг асосий тамойили шундаки, факторинг операциясини амалга ошираётган банк (факторинг-фирма) ўз мижозларидан уларнинг етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар,

⁶ В.Хойер. Как делать бизнес в Европе.М.: Прогресс.1990 г. 108 стр.

амалга оширилган ишлар учун бошқа корхоналарга бўлган талабларини сотиб олади ва шу орқали бу талаблар учун тўловларини олиши ҳуқуқини олади. Факторинг операцияси мижознинг дебиторлик қарздорлигини инкассо қилиш, кредитлаш ва кредит ҳамда валюта хатарларини кафолатланишни ўз ичига олади.

Факторинг операциясининг асосий мақсади мижозларининг қарздорлигини ўз вақтида инкассо қилиш, тўловларини ўз муддатида олиб бориш, шубхали қарздорликларини пайдо бўлишини олдини олиш, мижозларининг ликвидлигини ошириш ва уларнинг молиявий хатарини пасайтиришдан иборатдир.

Факторинг асосида банк (факторинг–фирма) томонидан мижознинг жўнатилган товарлар, кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-варақларини (талабномаларини) асосий қисмини (70 фоиздан-90 фоизгача) яъни тезда 2-3 кун ичида сотиб олиш ва қолган қисмини (кредит учун фоизини чегириб ташланган ҳолда) дебиторлардан тушум келиб тушмаслигидан қатъий назар белгиланган муддатдан тўлаб беради. Шунинг учун халқаро банк амалиётида таъминот сотувчи кредитлаш деб ҳам аталади. Факторинг учун тўлов ва коммиссион хизматлар учун тўлов махсулот етказиб берувчи ва факторинг фирмаси (банк) ўртасидаги тузиладиган шартномада кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида факторинг операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2000 йил 3 августдаги 953 сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операциялари олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом» га (янги редакция) олиб борилади. Ушбу низомга асосан республикада ҳудудида тижорат банклари факторинг операциясининг регресс ҳуқуқисиз ва очиқ шаклидаги факторингдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

1.2. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолияти механизмини тартибга солишнинг вазифалари

Молия бозорни тартиблаштириш тушунчаси кенг маънода бўлиб, бозорнинг функционал ва операцион таркибларини уйғунликдаги фаолиятини, ундаги барча қатнашчиларнинг бозор товари билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий муносабатларини тизимли тарзда самарали ривожлантириш мақсадида ваколатли ташкилотлар томонидан ўрнатилган аниқ меъёрлар мажмуасига мос равишда мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг тартибли жараёнини англатади.

Ушбу умумий таърифдан келиб чиқиб, молия бозорини тартиблаштириш тушунчаси маъносини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Молия бозорини тартиблаштириш – унинг функционал ва операцион таркибларини уйғунликдаги фаолиятини, ундаги барча қатнашчиларнинг молиявий инструментлар билан боғлиқ барча муносабатларини тизимли тарзда самарали ривожлантириш мақсадида давлат томонидан ваколат берилган органлар томонидан ўрнатилган унга оид меъёрлар мажмуасига мос равишда мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг тартибли жараёни тушунилади.


Молия бозорини тартиблаштириш тушунчасига мос равишда, қимматли қоғозлар бозорини тартиблаштириш – унинг функционал ва операцион таркибларини уйғунликдаги фаолиятини, ундаги барча қатнашчиларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ барча муносабатларини тизимли тарзда самарали ривожлантириш мақсадида ваколатли давлат ва ўзини ўзи мувофиқлаштирувчи органлар томонидан ўрнатилган унга оид меъёрлар мажмуасига мос равишда мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг тартибли жараёни тушунилади.

Дунёнинг барча мамлакатларида давлатнинг молиявий-иқтисодий сиёсатини (инвестицияларни жалб қилиш, модернизациялаш ва индустриал ривожлантириш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида) самарали юритилиши учун молия бозори давлат томонидан тартиблаштиришнинг алоҳида мукамал ташкиллашган объекти сифатида намоён бўлади, уни мувофиқлаштириш ва назорат қилишда давлат зиммасига

катта ваколат, мақсад, вазифалар ва функциялар юклатилади.

Молия бозорини давлат томонидан тартиблаштириш – молия бозорининг ривожланиш тенденцияларини макромолиявий даражада, ундаги унинг қатнашчилари фаолиятини эса микромолиявий даражада мамлакатда ўрналилган қонунчилик меъёрлари доирасида белгиланган тартибда мувофиқлаштириш ва назорат қилиш жараёни.

1-Расм



Бу жараёнга давлат ўзининг танлаб олган ривожланиш модели ва

тамойиллари, ундаги мақсад ва вазифаларига мос равишда меъёрий тартиблаштирувчи таъсир кўрсатиш асосида давлатнинг молиявий-иқтисодий сиёсатини амалга оширади.

Давлатнинг бундай таъсири ўз ичига ҳуқуқий, иқтисодий, административ, ижтимоий, информацион, техник ва ҳ.к. усулларнинг кенг диверсификациялашган мажмуини олади.

Давлат томонидан шакллантирилган ва узлуксиз ривожлантирилиб бориладиган молия бозорини тартиблаштириш тизими молия соҳасида давлат сиёсатининг асосий инструменти ҳисобланади.

Давлатнинг молия бозорини тартиблаштириш жараёнидаги иштирокини муҳим хусусияти унда давлат бир вақтнинг ўзида қуйидаги мақсадли стратегик ролларни бажариши билан белгиланади: молия бозорининг бош регулятори; эмитент; инвестор; молия бозорида молиявий муносабатларни ташкиллаштирувчи ва ривожлантирувчи, давлат молиявий-иқтисодий сиёсатини амалга оширувчи профессионал институт.

Давлатнинг бош мақсади – молия бозорини тизимли равишда самарали тартиблаштириш асосида миллий манфаатларни комплекс таъминлаш. Бунда давлат молия бозори орқали:

- иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни, реал секторни модернизациялашни ва индустриал ривожлантиришни, умуман барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий (монетар, фискал) сиёсатини амалга оширади;
- молия тизимининг ҳавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлайди;
- молиявий глобаллашув жараёнларини ривожлантиради.

Стратегик нуқтаи назаридан санаб ўтилган мақсадларга эришиш миллий манфаатларга қаратилган бўлганлиги учун молия бозорини тартибли ривожлантириш на фақат ваколатли давлат органларининг, балки молия бозорининг бошқа барча қатнашчиларини ҳам муҳим вазифасидир. Шу сабали

молия бозорини давлат томонидан тартиблаштиришнинг бош амалий мақсади – миллий бозорга нисбатан барча қатнашчиларнинг, бунда кўп жиҳатдан инвесторларнинг ишончини таъминлашдан иборатдир.

Молия бозорини юқорида таъкидлаб кўрсатилган тартиблаштириш жараёнида давлатнинг бош вазифаси – миллий манфаат ва миллий ғоя доирасида молия бозори фаолиятининг юқори самарали механизмини яратиш ва унга бозорнинг барча қатнашчилари томонидан сўзсиз бевосита риоя қилиниши асосида ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Асосий вазифаси - инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қонуний манфаатларини таъминлаш; бозорларнинг адолатлилиги, самарадорлилиги ва шаффофлилигини қонунчилик билан белгиланган тартибда, усулларда ва шаклларда таъминлаш; рискларни самарали бошқарилишини таъминлаш.

Таъкидлаш жоизки, фақат юқорида келтирилган молия бозорининг тартиблаштириш миллий (давлат) тизимини мақсад ва вазифалари ваколатли давлат органлари ва молия бозори қатнашчилари томонидан самарали бажарилганидагина молия бозори ўзининг иқтисодиётдаги вазифаларини, функцияларини ва ролини 1.1 параграфда кўрсатилган тарзда кўнгилдагидек тўлиқ бажара олади.

Молия бозорини тартиблаштириш тизими – узлуксиз динамик ривожланиб боровчи, фаолияти иқтисодий-ҳуқуқий механизм билан таъминланган, алоҳида функционал ва институционал таркибларга эга бўлган, миллий молия тизими фаолиятини миллий манфаатлар, мақсадлар ва қонунлар доирасида меъёрлаб ривожлантирувчи мураккаб мажмуавий тузилма. Бу тузилма молия бозори фаолиятини меъёрлаб ривожлантирувчи мураккаб тизим сифатида ўз ичига бир-бири билан ўзаро молиявий бозор муносабатлари бўйича узвий боғланган кўплаб қисм ва элементларни олади. Унинг асосий таркибий қисмларидан бўлиб давлат қонунлари ва уларнинг ижросига молия бозорининг барча қатнашчилари томонидан риоя қилилишини назорат қилиб боровчи ваколатли институтлар ҳисобланади. Давлат қонунлари билан молия бозорида молиявий инструментлар билан

боғлиқ барча операция ва муносабатларни ташкил этилиши ва амалга оширилишининг умумий концепция ва тамойиллари ўрнатилади.

Давлат қонунлари доирасида молия бозори ривожланиши тенденцияларидаги жорий даврда ва келажакда турли мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан кўзда тутиш қийинлиги сабабли, молия бозорини тартиблаштириш миллий тизимининг узилмас қисмларидан бўлиб тегишли қонуности ҳужжатлар мажмуаси ҳисобланади. Бу мажмуа ўз ичига молия бозорини тартиблаштиришга оид қуйидаги ҳужжатлар тўпламини олади: муассасалараро мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатлар (низомлар, инструкциялар, тартиб-қоидалар, стандартлар), ҳукумат қарорлари ва фармойишлари ва ҳ.к.

Ваколатли тартиблаштирувчи институтлар қонун ва қонуности ҳужжатларни амалиётга жорий қилиб молия бозори томонидан уларга риоя қилинишини таъминлайди. Бу ҳужжатларнинг ишлаши чоғида ваколатли институтларнинг вазифаси қонунбузарликларни аниқлаш, профилактикасини олиб бориш, ўрнатилган меъёрлар доирасида текширувлар ўтказиш, улардан оғишларни аниқлаб белгиланган тартибда чоралар кўриш.

Молия бозорини тартиблаштириш миллий тизимлари (жумладан, унсурлари) таснифи бўйича турли ёндашувлар мавжуд.

Молия бозори сегментлари бўйича тартиблаштириш уларда муомалада бўлувчи молиявий инструментлар билан боғлиқ банк операциялари ва муносабатларни мувофиқлаштириш ва назорат қилишга қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, банк инструментлари сегментини тартиблаштириш элементи, суғурта инструментлари сегментини тартиблаштириш унсури, қимматли қоғозлар бозорини (сегментини) тартиблаштириш элементи, валюта сегментини тартиблаштириш унсури. Бу унсурларнинг барчаси биргаликда қўшилиб, уйғунликда бир бутун миллий тартиблаштириш тизимини ташкил қилади.

Фаолият турлари бўйича банкларнинг тартиблаштириш молия бозорининг қатнашчилари операцияларини (эмиссион, инвестицион,

профессional молиявий институтлар, савдони ташкиллаштиришни) мувофиқлаштириш ва назорат қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ташкилий тузилиши бўйича тартиблаштириш кўп поғонали мураккаб мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими кўринишида бўлиши мумкин. Масалан, бир-бири билан боғлиқ тартиблаштиришнинг халқаро, миллий, регионаллари, регионал ва муниципал поғоналари.

Тартиблаштириш институтлари бўйича – давлат органлари (Молия вазирлиги ва Марказий банк), ваколатли давлат муассасаси, квази-ҳукумат ташкилоти (умуммиллий макрорегулятор), давлат ва ўзини-ўзи мувофиқлаштирувчи ташкилотлар билан биргаликда бўлган, алоҳида макрорегулятордан иборат тизим томонидан тартиблаштирилувчи тизимлар.

Тартиблаштириш усуллари бўйича – функционал, институционал, административ, индикатив, ўзини ўзи тартиблаштириш, макрорегулятив (9.5 параграфга қаралсин) ва гибрид (аралаш) усуллари асосланган тизимлар.

Тартиблаштиришнинг миллий тизимини ташкиллаштиришда қабул қилинган ёндашувлари бўйича – ҳукумат томонидан тўғридан-тўғри тартиблаштириш.

Тартиблаштириш кўлами (ҳажмининг кенглиги ва чуқурлиги) бўйича – молиявий глобал (халқаро, мета, планетар), макромолиявий ва микромолиявий даражада тартиблаштириш.

Тартиблаштириш индикаторлари бўйича – мета-, макро-, микроиндикаторларнинг чегаравий (критик) миқдорлари (энг паст ва энг баланд) даражалари доираси ичида.

Тартиблаштириш инфратузилмавий таркиблари бўйича – функционал ва институционал таркибларини уйғунликда тартиблаштириш тизими.

Тартиблаштириш функциялари бўйича – у ёки бу даражада молиявий глобал (халқаро, мета, планетар), макроиктисодий, микроиктисодий, қонунчилик, инфратузилмавий, индустриал, техник (бозорнинг сифат ва миқдорий параметрларининг оптимал даражасини ушлаб туриш) функцияларга асосланган тартиблаштириш тизимлари.

Банкларнинг молия бозорига таъсир кўрсатиш бўйича – умумиктисодий даражадаги билвосита (кредит-пул, бюджет-солиқ, ижтимоий, валюта, хусусийлаштириш ва ҳ.к. сиёсатлар негизида) ва бевосита (административ) таъсир кўрсатишга асосланган тартиблаштириш тизими.

Манфатларни ҳимояланиши бўйича – давлат манфаатларига, йирик (стратегик) инвесторлар манфаатига, миноритар (майда) инвесторлар манфаатларига, аралаш манфаатларга қаратилган тартиблаштириш тизимлари.

Иқтисодий тузум шакли бўйича – очик ва ёпиқ иқтисодиёт моделларига асосланган тартиблаштириш тизимлари.

Тартиблаштириш тузилмасининг ташкил этилиши бўйича – фақат давлат регуляторларининг иштирокига, давлатнинг кўпроқ ва ўзини ўзи тартиблаштирувчи ташкилотларнинг камроқ иштирокига, давлатнинг камроқ ва ўзини ўзи тартиблаштирувчи ташкилотларнинг кўпроқ иштирокига асосланган тизимлар.

Тартиблаштириш мақсадлари бўйича – давлат, нодавлат ва бошқа турли мулк шаклидаги юридик шахслар, жисмоний шахслар (асосан инвесторлар) фаолияти (операциялари) ва функцияларини молия бозори қатнашчилари сифатида уйғунликда (интеграллашган ҳолда, тарзда) тартиблаштириш тизими.

Молия бозорини банклар томонидан тартиблаштириш шакллари икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- тўғридан тўғри ёки административ тартиблаштириш;
- билвосита ёки иқтисодий тартиблаштириш.

Масалан, қимматли қоғозлар бозорининг давлат бошқаруви:

- банкларнинг қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятига мажбурий талабларни белгилаш;

- банклар томонидан эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилувларини (аввал рўйхатдан ўтказилган чиқарилувларнинг параметрларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар), қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш, ҳамда эмитентларнинг уларда назарда тутилган шартлар ва

мажбуриятларга риоя қилишлари устидан назоратни амалга ошириш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборот эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан маълум қилинишини таъминлаш;

- мутахассисларни аттестациялаш, профессионал иштирокчилар фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш;

- инвесторлар ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари берган шикоятларни кўриб чиқиш ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари бажариши мажбурий бўлган хулосалар чиқариш, кўрсатмалар бериш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкларнинг қимматли қоғозлар бозорининг қатнашчилари фаолияти устидан назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Молия бозорини иқтисодий тартиблаштириш давлат томонидан қуйидаги иқтисодий рычаглар ва капиталлар ёрдамида амалга оширилади:

- солиққа тортиш тизими (солиқлар тури ва ставкалари, улар бўйича имтиёзлар);

- кредит-пул сиёсати;

- давлат капиталлари (давлат бюджетит, бюджетдан ташқари фондлар, молиявий ресурслар ва ҳ.к.);

- давлат мулки ва ресурслари (давлат компаниялари, табиий ресурслар ва ерлар).

Ваколатли давлат тартиблаштириш органлари томонидан уйғунликда тартиблаштиришнинг функционал ва институционал усуллари амалга оширилади.

Институционал усул молия институтларининг мавқеи ва молиявий ҳолатини ҳамда молиявий фаолиятини бошқариш сифатини мувофиқлаш-

тиради. Бунда молиявий институтларга нисбатан иқтисодий талаблар кўйилади, банкларнинг актив ва пассивлари тузилмаси мувофиқлаштирилади, иқтисодий ночорликка олиб келиши мумкин бўлган riskли операцияларда иштирок этиши чекланади ёки маън этилади.

Институционал тартиблаштириш усули банклар ва суғурта ташкилотлари ҳамда инвестиция институтлари ва эмитентлар фаолиятини тартиблаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Тартиблаштиришнинг функционал усули молиявий инструментлар билан боғлиқ операцияларни содир этилиши учун тегишли тартиб-қоидалар, стандартлар, этик меъёрларни ўрнатади. Этик нормаларни асосан ўзини ўзи тартиблаштирувчи ташкилотлар амалиётга киритади.

Қуйида биз 01.01.2011 декабр ҳолатига кўра қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шуғулланувчи инвестиция муассалалари ҳақидаги маълумотни кўришимиз мумкин.

1-жадвал.

Профессионал фаолият юритувчилар таркиби

№	Профессионал фаолият юритувчилар номи	01.01.2011 йил ҳолатига кўра(сони)
1	Инвестиция воситачиси	34
2	Инвестиция маслаҳатчиси	15
3	Депозитарий	30
4	Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси	23
5	Инвестиция фонди	9
6	Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси	2
7	Биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси	2
8	Трансфер-агент	3
ЖАМИ		118

Манба: ҚҚБ ни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази

Жадвалдан кузатишимиз мумкинки, 2010 йил мобайнида энг кўп 34 та лицензия ҳар доимгидак сон жиҳатдан устун бўлган инвестиция воситачилари томонидан олинган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар бозори

тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ инвестиция компаниялари, реестр юритувчи, қимматли қоғозларни номинал сақловчиси фаолиятлари энди лицензияланадиган фаолият турига киритилмайди.

Ҳозирги молиявий инқироз шароитда давлатнинг бевосита қимматли қоғозлар бозорига аралашувидан мақсад битта, бу ҳам бўлса инвесторларни манфаатини кўзлаган, мавжуд қонунбузарликларни олдини олган ёки чеклаган, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаган ҳолатларда фонд бозорини инфратузилмасини янада ривожлантиришдан иборатдир.

1.3. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштиришнинг жаҳон тажрибаси

АҚШ да 2007 йилда бошланган инқироз пулни қайтаришга лаёқати бўлмаганларга ҳам кредит берилавериши оқибатида пайдо бўлди. Ипотека инқирози 2006 йилнинг охирида, уй-жой учун олинган кредит маблағларининг оммавий равишда қайтарилмаганлиги сабабли бошланди ва тез орада аввалига Америка молиявий секторига, кейин эса бошқа мамлакатларга ёйилди. Аксарият компаниялар банкрот бўлди ёки жиддий зарар кўрди, бу еса АҚШ да кредитлар ҳажмининг кескин қисқаришига ва Америка иқтисодиётининг инқирозга учрашига замин тайёрлади. Молиявий инқироз таъсирида АҚШ да кўчмас мулк нархи кўтарилмади, янги уй қуриш суръати эса кескин пасайиб кетди. Молиявий ва қурилиш секторлари билан боғлиқ Америка фонд бозори 2007 йилнинг иккинчи ярми давомида пастга «шўнғиб» борди.

XXI асрнинг дастлабки йилларида ипотека компаниялари фоиз ставкаларини тушириш ва яна бошқа йўللар билан мижозларни жалб етиш учун ҳаракат қила бошладилар. Ҳаттоки кам даромадли оилаларга ҳам уй-жой кредитларини бериш бошланди. Аср бошида бундай кредитлар ипотека бозорининг 12 фоизини қамраб олган бўлса, 2007 йилда 23 фоизга етди.

Ҳамма кредит олувчилар орасида олинган пулни қайтармайдиганлар ҳам кўп эди. 2007 йилгача АҚШ да кўчмас мулк нархи доимий равишда ошиб борди ва бу ипотека кредитлари бозорини мустаҳкам ушлаб турди. Ҳамма америкаликлар орасида шундай инвестицион услуб тарқалганди - ипотека кредити эвазига уй сотиб олиш ва вақт ўтгач, уни қимматроқ нархда сотиш. Бундай савдодан яхшигина фойда олаётган кредит-ипотека ташкилотлари бор имкониятларини ишга солиб, кредит олувчилар сонини оширишга киришдилар. Улар ҳаттоки, кредит олувчининг қарзни тўлай олиш лаёқатига ҳам эътибор бермай қўйдилар. Айрим ҳолларда, кредит миқдори сотиб олинаётган уй нархидан ҳам кўпроғини ташкил қиларди.

2004 йил бошида америка ипотека кредитлари фоизи билан боғлиқ Лондондаги банклараро кредитлари фоизи кўтарилиб кетди. Катта фоиз тўлаш оқибатида бундай услубдан воз кечишга киришилди. Америка кўчмас мулк бозоридаги кўтарилиш тўхтай бошлади ва уй-жой нархи тушиб кетди, қарздорлар қарзларини қайтариш учун уйларини сотишга мажбур бўлдилар. Оммавий равишда уй-жойларнинг сотилиши эса кўчмас мулк нархини тушириб юборди ва кўчмас мулк бозоридаги акциялар нархи кескин туша бошлади.

Инқирознинг дастлабки қурбони америкадаги йирик ипотека компанияларидан бири ҳисобланган New Сентурй Финансиал Сорп. бўлди. 2006 йилнинг мартада унинг қарзлари шу даражага етдики, компания кредит беришни тўхтатди ва акцияларини фонд биржасидан олишга мажбур бўлди. Ипотека облигацияларига эга бўлган бошқа компаниялар ҳам шу тарзда инқирозга учрай бошлади.

Ипотека инқирозининг асосий иштирокчилари сифатида Федерал миллий ипотека ассоциясиси (Фанние Мае) ва Федерал уй-жой ипотека кредити корпорацияларини (Федерал оме Лоан Мортгаге Сорпоратион) айтиб ўтиш мумкин. Бундан етмиш йил илгари АҚШ Конгресси томонидан ташкил этилган бу компаниялар акциядорлик жамиятлари бўлиб, ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланади. Уларнинг вазифаси кредиторлардан ипотека

кредитларини сотиб олиш ва шу йўл билан янги кредитлар беришга имконият яратишдир, аммо бу компаниялар кафолатсиз кредитларни сотиб олмадилар ва кредиторлар акцияларини бошқа инвесторларга (асосан ғарбий Европа ва Шарқий Осиё) сотишга мажбур бўлдилар. Бу еса инқирознинг дунёвий миқёсда авж олишига олиб келди.

2008 йилнинг баҳорига келиб АҚШ даги молиявий компаниялар катта зарар кўрганликларини эътироф этишди. Икки йил илгари бошланган ипотека инқирози американинг «катта бешлик» деб аталувчи банклар гуруҳига кирувчи “Беар Стеарнс” банкни биринчи бўлиб «синдирди». “Голдман Сачс”, “Леман Бротерс”, “Меррилл Линч” ва “Морган Станлей” банклари эса учликка айланди - Леман Бротерс банкрот деб эълон қилинди, “Меррилл Линч”ни эса “Банк оф Америка” банки икки баравар арзонга - 50 миллиард долларга сотиб олди. Бундан ташқари, “Американ Интернационал Гроуп” суғурта компанияси ҳам молиявий қийинчиликлардан қутулиш учун 85 миллиард доллар ёрдам пули олишга мажбур бўлди.

Апрель ойида Халаро Валюта Фонди (ХВФ) жаҳон молиявий инқирозига қарши тура олиш учун мамлакатларга ёрдам бергани қўшимча 150 миллиард доллар кераклиги ҳақида билдирди. Бу ҳақда ХВФ раҳбари Доминик Стросс-Кан маълум қилди. Унинг айтишича, молиявий инқироз мамлакатлар иқтисодиётига қутилганидан кўра кўпроқ таъсир ўтказган. 2008 йил охирида ХВФ бир қатор мамлакатларга 50 миллиард доллар кредит ажратганди. Ҳозирда Европа ва Осиёнинг яна бир нечта мамлакатларига кредит ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда. ХВФ инқироз оқибатида жаҳон иқтисодиёти 1,4 триллион доллар зарар кўришини тахмин қилганди.

Эндиликда эса бу рақамнинг янада ошиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. “Голдман Сачс” инвестицион банкнинг ҳисоб-китобига қараганда, ипотека инқирози оқибатида жаҳон иқтисодиёти 1,2 триллион доллар зарар кўради, бунинг 460 миллиард доллари Америка молиявий компаниялари ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, экспертлар молиявий инқироз узоғи билан уч йил давом этишини тахмин қилмоқдалар.

Тахминларнинг қанчалик тўғри-нотўғри эканлигини эса вақт кўрсатади. Молиявий инқироз Америка иқтисодиётининг пасайишига сабаб бўлди.

Жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз 2008 йилнинг тўртинчи чорагида америка иқтисодиётининг рекорд кўрсаткич – 3,18 фоизга пасайишига асос бўлди. Хабарларга қараганда, мамлакат иқтисодиётида бундай кескин вазият сўнгги 27 йил ичида илк марта кузатилмоқда.

Экспертларнинг сўзларига кўра, истеъмол маҳсулотларига талаб камайиши оқибатида саноат корхоналари фаолияти тобора сусаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, компанияларни иш ўринларини қисартиришга мажбур қилмоқда.

Мамлакат молия вазирлигининг маълумотларига қараганда, экспорт ҳажми 19,7 % га, импорт эса 15,7 % га тушиб кетган.

АҚШда бюджет дефицити 2009 йилда 1.8 триллион долларни ташкил этади. 2010 йилга келиб прогнозларга қараганда, 1.4 триллион долларгача пасайиши мумкин. Охирги ярим йил ичида бюджет тақчиллиги прогнози 1.2 млрд доллардан 1.8 млрд долларгача ошди. 2010 йилга келиб ҳукумат бюджетни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3.55 млрд доллар ажратмоқчи. Бюджет тақчиллиги Америка президенти Б.Обама фикрига кўра солиқлар, пул ажратмалари ва аҳолини бой қатламлари ҳисобига қопланиши режалаштирилмоқда. АҚШ дан ташқари бошқа ривожланган давлатлар ҳам молиявий инқироз натижасида бюджет дефицити ошаяпти.

Жаҳоннинг 9 та иқтисодиёти кучли давлатлари инқирозга қарши кураш учун 2008-2010 йилларда йиллик ЯИМ нинг 3,4% миқдоридаги маблағларнинг сарфланиши ХВФ томонидан ҳисобланган. Бу ёрдам фақат иқтисодиётнинг реал сектори учун мўлжалланган. Бу харажатлар Буюк Британия, Япония, Италия, Франция, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Канада ва АҚШ давлатлари учун молиявий инқирознинг минимал баҳоси бўлиши мумкин. Маблағлар ҳажми унчалик катта бўлмаслиги мумкин, лекин бюджет даромадларининг қисқариши натижасида анчагина йирик суммани ташкил этади.

G 20 мамлакатларида инқирозга қарши кураш учун 1 йилда ЯИМ 0,1-0,2% миқдорида харажатлар қилиниши кузатиляпти. Қуйидаги 2- жадвалда G 20 мамлакатлари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралари. Бу ерда G 20 кирувчи бир неча давлатлар 2008 йил бўйича реал секторни инқироз қарши қўллаб-қувватлашда умуман маблағ ажратилмаганини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби, 2008 йилда бу давлатлар реал секторига молиявий инқироз кучли таъсир этмаган эҳтимолик мавжуд.

2- жадвал.

G 20 мамлакатларида реал секторни қўллаб-қувватлаш чоралари, ЯИМ нисбатан фоизда⁷.

Мамлакатлар	2008	2009	2010
Аргентина	0	1,3	м/й
Австралия	0,7	2,1	1,7
Бразилия	0	0,4	0,2
Канада	0	1,5	1,3
Хитой*	0,4	2	2
Франция	0	0,7	0,7
Германия	0	1,5	2
Ҳиндистон	0	0,5	м/й
Индонезия	0	1,3	0,6
Италия	0	0,2	0,1
Япония	0,4	1,4	0,4
Корея	1	1,5	0,3
Мексика	0	1,5	м/й
Россия	0	1,7	м/й
Саудия Арабистони	2,4	3,3	3,5
Жанубий Африка	1,7	1,8	-0,6
Испания	1,9	2,3	м/й
Туркия	0	0	м/й
Буюк Британия	0,2	1,4	-0,1
АҚШ	1,1	2	1,8
ўртача	0,5	1,5	1,1

⁷ Манба: ХВФ маълумотлари. Хитойда – марказий бюджет маблағлари, маҳаллий бюджет ва давлат корхоналарини ҳисоблаганда – 2009-2010 йилларда ЯИМ 7% бўйича.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, молиявий инқироз шароитида реал секторни қўллаб-қувватлаш бўйича 2009 йилда энг кўп маблағларни Саудия Арабистони, Испания, Австралия, Хитой ва АҚШ мамлакатлари сарфлашар экан. 2009 йилда инқирозга қарши харажатларнинг энг кўп сарфланишини кузатсак, Ҳиндистон, Италия ва Туркия каби давлатлар реал секторни қўллаб-қувватлаш бўйича минимал харажатлар қилар экан. Молиявий инқирозга қарши харажатлар миқдори мавжуд муаммоларнинг миқёси билан эмас, балки мамлакатларнинг молиявий имкониятлари – инқироз даврида бюджет дефицитининг ўлчами билан ифодаланади. Италия ва Ҳиндистон имкониятлари инқироздан олдинги юқори бюджет дефицити билан чегараланган (2006 йилда – ЯИМ нинг 3,4% ва 5,7% га нисбатан).

Молия секторини қўллаб-қувватлаш айрим мамлакатларда аксинча анчалик қимматга тушиши мумкин. Шундай қилиб, Швеция давлати томонидан молия секторини қўллаб-қувватлашнинг умумий қиймати – ЯИМ нинг 70% (47,3% - кредитлар бўйича давлат кафолати, 15,3% - миллий банк қўллаб-қувватлаши), АҚШ – 73,7% (31,3% - кредитлар бўйича давлат кафолати, 31,3% - миллий банк қўллаб-қувватлаши). Шунингдек, Швецияда молиячиларни қўллаб-қувватлашга бюджет харажатлари ЯИМ нинг 5,8% ни, АҚШ да эса – 6,25% ни ташкил этади. Буюк Британия алоҳида ўринда турибди: молия секторини қўллаб-қувватлаш амаллари умумий пакетининг (ЯИМ нинг 47,3%) учдан бири давлат кафолатига (17,4%) тўғри келади, миллий банк нисбатан кам харажат қилган (12,9%), аммо бошқа мамлакатлар билан таққосланганда, кредитлаш миқёси ва муаммоли активларни сотиб олиш бўйича Молия вазирлиги максимал харажат қилган (ЯИМ нинг 13,8%).

Натижада Буюк Британияда молия секторини қўллаб-қувватлашда жаҳонда энг юқори давлат харажатлари йўналтирилган мамлакатдан биридир – ЯИМ нинг 19,8% и.

Молия секторини қўллаб-қувватлаш бўйича абсолют рекордсмен – Ирландия, бу мақсадларга йўналтирилган ЯИМ нинг 263% (асосий қисми –

ЯИМ нинг 257% давлат кафолати тури). Молиявий институтларга эса бюджет харажатлари – ЯИМ нинг 5,3% и.

Россиянинг молия секторини қўллаб-қувватлаш бўйича харакатини ХВФ ЯИМ нинг 7,1% да баҳолади, шу жумладан бюджетнинг тўғридан-тўғри харажатлари – фақатгина 0,6%. Ривожланаётган мамлакатлардан молия секторини қўллаб-қувватлаш бўйича максимал бюджет харажатларини Саудия Арабистони амалга ошираяпти – ЯИМ нинг 1,2% и, унинг ярми – бюджет ҳисобидан кредит беришга ва банк активларини сотиб олишга қаратилган.

Давлат қарзининг ўсиши бюджет учун инқирозга қарши амалга оширилаётган чоралар қийматидан паст. Ваҳоланки, ўрта муддатли истикболда банкларни қўллаб-қувватлаш учун сотиб олинган активлари бир қисми сотилган пайтда бюджетга қайтиб келади. Қўшимча қилиб айтишимиз мумкинки, агар шароит ижобий томонга ўзгарса, давлат ўзи қутқарган банклар капиталидан чиқиши мумкин. Молия тизимида ёрдам берилган америкалик харажатларин ХВФ ЯИМ нинг 6,25 % да баҳолади, лекин бу харажатлар фақат давлат қарздорлигини ЯИМ нинг 3,25% га оширади.

Молия секторини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётни мувофиқлаштиришдаги харажатлардан ташқари, савдо ва ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишидан солиққа тортиладиган базанинг қисқариши, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк нархларининг пасайиши, экспортер мамлакатларда эса хом-ашё нархининг пасайиши давлат қарздорлигининг ўсишига таъсир этади. Нефть нархининг пасайиши унинг асосий экспортерлари бўйича жуда қаттиқ зарба беради. Қуйидаги 3-жадвалда бюджетларга хом-ашё нархининг таъсирини кўришимиз мумкин.

Хом-ашё нархининг бюджетга таъсири, ЯИМ нисбатан % да⁸.

Мамлакатлар	2008	2009
Аргентина	0	-0,3
Австралия	0	-0,4
Бразилия	1	-2,8
Канада	-0,1	-0,3
Индонезия	0,2	0,0
Мексика	0,3	-0,1
Россия	1,3	-6,4
Саудия Арабистони	15	-26,8
Жанубий Африка	0,2	-0,1

Жадвалда кўришимиз мумкинки, хом-ашё нархининг 2009 йилдаги пасайиши Саудия Арабистони бюджетига ЯИМ нинг 26,8% миқдорида салбий таъсир этган. Бу дегани Саудия Арабистон бюджети асосан нефть нархининг ижобий ўзгаришига боғлиқ экан. Шу жумладан, бошқа давлатларга қараганда Россия бюджети ҳам хом-ашё нархининг ижобий ёки салбий ўзгаришига боғлиқ эканини кузатишимиз мумкин. 2009 йилда ҳам хом-ашё нархининг ўзгариши, яъни пасайиши Индонезия бюджетига умуман таъсир кўрсатмаган – 0,0% .

Узоқ муддатли истиқболда бюджет дефицитининг ўсишига фақат инқироз билан боғлиқ омиллар таъсир кўрсатмайди. Ривожланган мамлакатларда энг муҳим сабаб – аҳолининг қаришидир.

Узоқ муддатли тенденция ва инқирозга қарши чоралар таъсирини бирга қўшган ҳолда, инқироз натижасида (саккиз йил ичида, 2006 йилдан 2014 йигача) G 20 мамлакатларининг ўртача давлат қарздолиги ЯИМ нинг 62,7% дан 76,8% гача ошади. Шу жумладан, ривожланган мамлакатларда давлат қарздорлиги ЯИМ нинг 77,6% дан 103,5% гача ошади, ривожланаётган мамлакатларда эса – ЯИМ нинг 37,6% дан 32% гача камаяди.

⁸ Манба: ХВФ маълумотлари

II-боб. Ўзбекистонда тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштириш механизмининг таҳлили

2.1. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштиришнинг қонуний-меъёрий асослари таҳлили

Ҳар қандай мамлакатни унинг ривожланган банк тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақилликка эришиилган 1991 йилда юзага келган ҳолат Ўзбекистон ҳукумати олдида ўзининг мустақил банк тизимини зудлик билан ташкил этиш вазифасини кўндаланг қилиб қўйган эди. Мамлакат иқтисодиёти субъектлари ўртасида тўлақонли ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимини, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш ва уларни иқтисодиётни ривожлантиришга кредит сифатида йўналтириш, энг муҳими, аҳолининг банкларга нисбатан йўқолган ишончини қайта тиклаш мақсадида жаҳон тажрибасида синалган икки поғонали банк тизимини вужудга келтириш вазифаси турар эди.

Айниқса, мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан бевосита жорий ҳисоб-китобларни ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни амалга ошириши мумкин бўлмай қолган ҳолатга дарҳол барҳам бериш лозим эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди. Ушбу банкнинг ташкил этилиши ўша вақтда юзага келган кўпгина муаммоларни бартараф этди ҳамда халқаро ҳисоб-китоблар бевосита ТИФ Миллий банки орқали амалга оширила бошланди.

Шундай қилиб, тўлақонли амал қиладиган банк тизимини шакллантириш, ушбу тизимнинг таркибий қисми бўлган Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини яратиш долзарб вазифага айланган эди. Чунки ўша даврда собиқ тузумдан мерос қолган, режали иқтисодиёт тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий база мавжуд бўлиб, унинг аксарият қисми бозор иқтисодиёти шароитида қўллашга яроқсиз эди.

Маълумки, бозор иқтисодиётига мос келадиган банк қонунчилигини яратиш йўлидаги дастлабки қадам 1991 йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»даги қонунининг қабул қилиниши бўлди. 1992 йил 2 июлда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган қўшимча па ўзгартиришларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига айлантирилди ва унга давлат, эмиссия ва захира банки маъқеи берилди.

1993 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, амалга киритилиши билан тижорат банкларининг хорижий банклар ва инвесторлар билан ўзаро манфаатли алоқалари йўлга қўйишларига ҳамда хўжалик субъектларининг жорий ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини амалга ошириш учун имкон вужудга келтирди.

Марказий банкнинг маъқеи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам алоҳида қайд этилди ва унинг 124-моддасида Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқариши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиши, унинг жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий банк тизимига айлантирилишида 1995 йили «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва 1996 йили «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларининг янги таҳрирда қабул қилиниши алоҳида ўрин тутди. Ушбу қонунларнинг амалга киритилиши юқори даражадаги банк тизимини ташкил этиш, тижорат банкларининг халқаро молия бозорига чиқишини, аҳоли, корхоналар ва хорижий сармоядорларнинг банк тизимга бўлган ишончини, барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган банк тизимини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Марказий банк ва тижорат банкларининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари аниқ белгиланди.

Шундай қилиб, қисқа муддатларда Ўзбекистоннинг ўз миллий банк

тизими яратилди. Ҳозирги вақтга келиб, Ўзбекистон Республикасида Марказий банк ва 29 та тижорат банкини, уларнинг 799 та филиалини, 2054 та минибанкини, 1148 та махсус кассаларини, 1651 та валюта айирбошлаш пунктларини, Халқ банкнинг 2573 та шохобчаларини, жами 8254 та банк бўлинмаларини ўз ичига бирлаштирган икки поғонали банк тизими ягона тизим сифатида фаолият кўрсатмоқда⁹.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида халқаро ҳисоб-китоблар фақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали амалга оширилган бўлса, кейинчалик халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида етарли маласага эга бўлган мутахассисларнинг етишиб чиқиши, халқаро тўлов тизимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини берадиган замонавий техникавий воситалар билан таъминланиб борилиши билан босқичма-босқич бошқа тижорат банклари ҳам Марказий банкнинг тегишли лицензияси асосида валюта операцияларини амалга оширишни бошладилар. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон банклари деярли барча хорижий мамлакатлар банклари билан вакиллик алоқалари ўрнатганлар ва жаҳон банк тизимининг таркибий қисмига айланганлар.

Банк тизимини ҳақли равишда иқтисодиётнинг қон томирларига қиёслашади. Дарҳақиқат, инсон қон томирлари унинг бутун вужудини ҳаётий зарур моддалар билан таъминлаш вазифасини бажаргани сингари, банк тизими ҳам банклар ва банк филиаллари ҳамда шохобчалари орқали пул маблағлари ҳаракатини таъминлаб, ягона организм бўлган халқ хўжалигининг барча субъектлари фаолиятини молиявий томондан тўпланди. Пул маблағлари ҳаракатининг қисқа муддатга бўлса ҳам тўхтаб туришга йўл қўймаслик вазифасини тўлов тизими бажаради.

Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири замонавий, тезкор ва ишончли тўлов тизимини яратиш бўлди. Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида банкларимиздаги мавжуд тўловларни амалга ошириш техникаси жисмоний ва

⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий интернет сайти маълумотлари

маънавий жиҳатдан эскирган бўлиб, бозор шароитининг янги талабларига жавоб бераолмас эди. Натижада иқтисодиётда маблағларнинг айланиш тезлиги жудаям суст даражада бўлиб, хўжалик субъектлари ўртасида пул ҳисоб-китоблари почта орқали қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатларини бир банкдан бошқа бир банкка етказиб бериш шаклида амалга оширилганлиги учун, тўловларни амалга ошириш 1-2 ой ва баъзан ундан ортиқ муддатга чўзилар эди. Яъни ушбу пул маблағларининг 1-2 ой муддатга корхоналар оборотидан четлашишига, уларнинг айланма маблағлари айланиш тезлигининг ниҳоятда пасайишига олиб келар эди.

Давлатимиз раҳбари республикаимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ тўлов тизимини таҳлил қилиб, тўловларни амалга оширишни жадаллаштириш масаласини зудлик билан ҳал этиш вазифасини қўйди. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида Марказий банк ҳукумат билан биргаликда республика банк тизимини компьютерлаштириш конъюктурасини ишлаб чиқди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги 302-сонли қарорига кўра, банклар 4 йил муддатга солиқлардан озод қилинди ва ушбу маблағлар банк ички локал компьютер тармоқларини ташкил қилиш, маълумотларни узатишнинг замонавий технологияларини жорий қилиш ва банк тизимида ҳисоб-китобларни автоматлаштиришни ривожлантиришга йўналтирилди.

Шунга асосан, барча банклар замонавий телекоммуникация ва техника жиҳозлари билан таъминланди ҳамда республика миқёсида банк ахборотларини узатиш бўйича янги телекоммуникацион тармоқ яратилди. Бундай маълумот узатишнинг янги шакли асосидаги электрон тўловлар тизими МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида яратилди.

Тўловларнинг электрон шакли 1995-1996 йиллар ичида мамлакатимизда барча ҳудудларини қамраб олди, натижада ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ўтиш вақти 1-2 ойдан 10-15 дақиқагача, кейинчалик реал вақтда амалга оширилишига эришилди. Замонавий миллий тўлов тизимининг барпо этилиши, хўжалик субъектлари ўртасида ҳисоб-китобларнинг деярли реал

вақт ичида амалга оширилишига эришиш бу ўз моҳиятига кўра, тўлов тизимида инқилобий ўзгарашларнинг амалга оширилиши эди.

Ушбу миллий тўлов тизими мустақилликка эришилгандан кейинги 4-5 йилда яратилди. Ўзбекистон миллий тўлов тизими янада такомиллаштирилиб борилиб, банк тизими фаолияти самарадорлигини ошириш ва ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлага мақсадида, 2003 йилга келиб, банкларда ягона вакиллик ҳисобварағи ва ягона баланс тизимлари яратилди. Бунда банкнинг барча филиаллари томонидап ўтказилаётган ҳисоб-китоблар бош банкнинг ахборот тизимида акс эттирилади. Шу билан бирга, ягона баланс тизими асосида банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш натижасида банкнинг барча филиаллари фаолиятини назорат қилган ҳолда, банк раҳбариятига банкни тўлақонли ва самарали бошқаришга имкон беради.

Жаҳон андозаларига мос тўлов тизимининг яратилиши мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги турларини, жумладан тижорат банклари пластик карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишиш йўлга қўйиш имкониятини яратди, натижада 1996-1997 йиллардан бошлаб тижорат банклари томонидан дастлаб жисмоний шахслар учун банк пластик карталарини ва 2005 йилдан бошлаб эса юридик шахслар учун корпоратив банк пластик карталарини амалиётга жорий этиш бошланди.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар учун чиқарилган банк пластик карталарининг умумий сони 2008 йил бошига келиб 3,7 миллиондан ошиб кетди ва банк пластик карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширувчи терминаллар сони эса 17,7 мингтани ташкил этмоқда. Бундан ташқари, нафақат аҳоли, балки корхона ва ташкилотлар ҳам ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк пластик карталаридан фойдалана бошладилар. Бугунги кунда 6,1 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот корпоратив банк пластик карталари орқали ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширмоқдалар.

Банк тизими ўз олдида қўйган энг асосий вазифалардан бири, бу собиқ тузум тарқалиб кетиш даврида аҳолининг банкларга нисбатан йўқолган

ишончини тиклаш эди. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатдики, аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимининг қонуний асоси вужудга келтирилиши банк секторига бўлган ишончни кучайтиради ва фуқароларнинг банклардаги омонатлари ҳажми ортди. Айнан шу сабабли 2002 йилда мамлакат парламенти томонидан «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда банкларга бўлган ишончнинг мустаҳкамлашга 2003 йилда «Банк сири тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳамда тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш ва банклар томонидан аҳолига қулай ва жозибадор омонат турларининг таклиф этилиши натижасида аҳолининг банклардаги омонатлари 2010 йилнинг 1 январидан 2000 йилга нисбатан 74,7 баробарга ошганлигининг ўзиёқ аҳолининг банкларга бўлган ишончининг нақадар ошиб бораётганлигидан далолат беради. Аҳолининг банкларга бўлган ишончининг ошишида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда биронта ҳам банкнинг банкрот ҳолатига келмаганлиги, бирорта фуқаронинг банкдаги омонатининг йўқ бўлиб кетишига йўл қўйилмаганлиги ҳам, албатта, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Аҳолининг Ўзбекистон банкларига бўлган ишончининг ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

2.2. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштириш механизмининг таҳлили


“Тошкент” Республика фонд биржаси (РФБ)да 2010 йилда умумий айланма ҳажми 66,4 млрд.сўмни ташкил этган ва ўтган 2009 (89,9 млрд. сўм) йилга нисбатан 29% тушиб кетган.

2011 йилнинг 1 январ ҳолатига 90 та акциядорлик жамиятининг

қимматли қоғозлари “Тошкент” РФБ расмий биржа листингидан ўтган. 2010 йилнинг бошидан бери листингдан ўтган компаниялар сони 71 та акциядорлик жамияти ҳисобига ортиб, ўтган йилга нисбатан 4,7 мартага кўпайган. Биржа листингида тижорат банклари, суғурта компаниялари, иқтисодиётнинг sanoat сектори, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи, агросаноат комплекси, энергетика, металлургия соҳасидаги корхоналар ўрин олган. Биржа листингини категориялар кесимида таҳлил қилсак, асосан “С” категорияга тегишли акциядорлик жамиятлари кўпчиликти ташкил қилади. Бу категорияга тегишли акциядорлик жамиятларининг сони биржа листинги рўйхатининг ярмидан кўпини яъни 49 тани ташкил этади. Акциядорлик жамиятларининг ичида 14 таси “А” категорияга, 24 таси “В” категорияга, 3 таси “D” категорияга тегишли. Биржада бошқа корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, улар листингдан ташқари тоифага тегишли акциядорлик жамиятлари ҳисобланади.

2- расм

**2010 йилда биржа бозоридаги акциядорлик
жамиятларининг капитализацияси ҳажми**




Манба: “Тошкент” Республика фонд биржаси (www.uzse.uz)

Биржа расмий листингидан жой олган акциядорлик жамиятларининг бозор капитализацияси 2010 йилнинг 31 декабр ҳолатига 4746,6 млрд. сўмни ташкил этган. Акциядорлик жамиятлари бозор капитализацияси 01.01.2010 йил ҳолатига 577,9 млрд. сўмни ташкил этганини алоҳида қайд этиш лозим. 2010 йил якунлари бўйича ушбу кўрсаткични деярли 8 мартага ўсганини кўришимиз мумкин. Биржада 2010 йил якунларига кўра қимматли қоғозлари айланаётган акциядорлик жамиятлари умумий капитализациясининг 58,2% (2009 йилда 22,7%)ни листинг компаниялари ташкил этади. Бу инвесторлар учун листинг компанияларига бўлган юқори қизиқиш (жалбдорлилик)ни уйғотишдан далолат беради. Юқоридаги 2 – расмдан кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятлари капитализациясининг ҳажми 2010 йилнинг дастлабки олти ойига нисбатан йил сўнггида бир неча баробарга ошган.

3- расм

2006-2010 йилларда умумий биржа айланмасида бўлган листингдаги компаниялар (асосан банклар) улуши динамикаси, %



Манба: “Тошкент” РФБ йиллик ахбороти, www.uzse.uz

Юқоридаги 3–расмдан кўриниб турибдики, 2006-2010 йиллар оралиғида умумий биржа айланмасидаги листингдаги компаниялар улуши динамикаси ўсиб борган. 2006 йил якунларига кўра умумий биржа айланмасида

листингдаги компаниялар улуши 3,3% ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб ушбу кўрсаткич 56,% ташкил этган. 2008 йилга келганда ушбу кўрсаткич 56,6% дан 39,7% га тушиб кетган. Ушбу ҳолатни қайсидир жиҳатдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида бўлганлигини таъкидлаш мумкин. 2009 ва 2010 йилларда биржанинг умумий айланмасида листингдаги компаниялар улуши мос равишда 44,8% ҳамда 61,8% ташкил этган. Бу эса ушбу кўрсаткич сўнгги тўрт йилда деярли 20 баробарга ошганлигини кўрсатади.

4- жадвал

2010 йилда листингдаги банклар акцияларининг бирламчи жойлаштириш учун қўшимча эмиссияси тўғрисидаги маълумот

№	Эмитентлар	Сумма, сўмда	Номинал	Ўрт. торт. нархи	Акциялар сони
1	Капитал банк	2 500 000 000	10 000	10 000	250 000
2	Алоқабанк	4 000 000 000	100	100	40 000 000
3	Ипотекабанк	3 187 529 280	1 000	1 014	3 143 520
4	Ҳамкорбанк	1 250 000 000	100	100	12 500 000
5	Савдогарбанк	3 061 200 000	100	100	30 612 000
6	Самарқанд банк	2 220 000 000	50 000	50 000	44 400
7	Турон банк	1 400 000 000	1 400	1 400	1 000 000
8	Ипак йўли банк	1 500 000 000	100	100	15 000 000
9	Ўктамбанк	1 000 000 000	1 000	1 000	1 000 000
10	Универсал банк	220 500 000	100 000	100 000	2 205
	2010 бўйича жами	20 339 229 280			103 552 125


Манба: “Тошкент” РФБ йиллик ахбороти, www.uzse.uz

Юқоридаги 4— жадвалдан кўриниб турибдики, 2010 йилда листингдаги компаниялар умумий айланмасининг 51,2%и (20,3 млрд.сўм) акцияларни бирламчи жойлаштириш учун қилинган қўшимча эмиссиялар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса биржада бутун жалб қилинган маблағлар фақат банклар ҳисобига амалга оширилганини англатади. Бундан банкларнинг биржадаги роли жуда юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бунда бирламчи бозорда акцияларини жойлаштириш ва маблағ жалб қилиш бўйича кучли учликка Алоқабанк, Ипотека-банк, Савдогарбанкни киртишимиз мумкин. Энг юқори номинал қийматли акция Универсалбанк (100 000) ва Самарқандбанкка (50 000) тегишли эканлигини кўришимиз мумкин. Биржанинг бирламчи бозорида 2010 йил давомида 103 552 125 дона акция реализация қилинган ва бу

акцияларнинг барчаси банклар ҳиссасига тўғри келган.

4- расм

**2010 йил ойлар кесимида “Тошкент” РФБнинг умумий айланмасидаги
листингдаги компаниялар (асосан банклар) улуши, %**



Манба: “Тошкент” РФБ йиллик ахбороти, www.uzse.uz

Юқоридаги 4 – расмдан кўриниб турибдики, 2010 йил ойлар кесимида “Тошкент” РФБнинг умумий айланмасидаги листинг ва листингдан ташқари компанияларнинг улуши динамикасини таҳлил қилсак, ушбу кўрсаткичлар турли ойда турлича бўлганлигини қайд этиш лозим. Биржа айланмасида листингдаги компаниялар улуши юқори бўлган июн (84,2%) ва декабр (77%) ойларини кўрсатишимиз мумкин. Биржа айланмасида листингдан ташқари компаниялар улуши юқори бўлган март (98,1%) ва апрел (99,6%) ойларини кузатишимиз мумкин. Умуман олганда, йил давомида биржа айланмасида листингдан ташқари компаниялар салмоқли улушни ташкил этган бўлса, йил якунига келиб листингдаги компанияларнинг улуши ортган.

Биржанинг бирламчи бозорида дастлабки жойлаштириш бўйича листинг

компаниялар томонидан қўшимча эмиссия қилиш бўйича юқори суръатдаги фаоллик ўтган 2010 йилнинг декабр ойида кузатилди.

Умумий бирламчи жойлаштириш бўйича қўшимча эмиссияларнинг 81,3%и, яъни 16,5 млрд. сўми (йил давомида 20,3 млрд.сўм) фақатгина декабр ойининг ўзида 8 та листингдаги компания (банклар) томонидан 107 битим орқали амалга оширилган. Умуман фақатгина декабр ойи якуни бўйича кузатилган биржа айланмаси 33,7 млрд. сўмни яъни 2010 йилдаги умумий биржа айланмасининг 52,3%ни ташкил этган.

5- жадвал

“Тошкент” РФБ савдоларининг асосий индикаторлари

	2010 йил			2009 йил		
	Январ-Июн	Июл-Декабр	Январ-Декабр	Январ-Июн	Июл-Декабр	Январ-Декабр
Савдонинг умумий ҳажми (млн.сўм)	9 295	54 550	63 800	35 154	54 674	89 828
Бирламчи бозордаги савдо ҳажми мил. валютада (млн.сўмда)	12	19 972	19 983	7 585	10 873	18 459
Иккиламчи бозордаги савдо ҳажми мил. валютада (млн.сўмда)	8 434	34 526	42 959	25 118	28 289	53 407
Иккиламчи бозордаги савдо ҳажми ЭАВда (млн.сўмда)	849	8	857	2 450	15 461	17 911
Иккиламчи бозордаги савдо ҳажми ЭАВда (минг АҚШ долл.)	549,2	5,3	555,3	1 681,6	10 347,6	12 029,2
Бирламчи бозордаги савдо ҳажми ЭАВда (млн.сўмда)	0	0	0	0	0	0
Бирламчи бозордаги савдо ҳажми ЭАВда (минг АҚШ долл.)	0	0	0	0	0	0
Бирламчи бозордаги савдо ҳажми корп. обл. (млн.сўмда)	0	0	0	0	52	52
Иккиламчи бозордаги савдо ҳажми корп. обл. (млн.сўмда)	1,2	0	1,2	0	0	0
Битимларнинг ўртача суммаси (млн.сўм)	8,5	167	34,7	7,5	19,2	12,0
Битимлар сони (дона)	1096	743	1 839	4 660	2 854	7 514
Эмитентлар сони	86	104	159	237	177	313

Манба: “Тошкент” РФБ йиллик ахбороти, www.uzse.uz

Юқоридаги 5 – жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 ва 2010 йилларда савдонинг умумий ҳажмининг салмоқли қисми йилнинг иккинчи ярмига тўғри келган. 2010 йилда асосий савдо иккиламчи бозорда (42 959 млн.сўм) миллий валютада ва кичик ҳажм эркин айрибошланадиган валюта (ЭАВ)да (555,3 минг АҚШ долл.) амалга оширилган. Бирламчи бозорда эркин

айрибошланадиган валютада умуман савдо кузатилмаган. Бу эса миллий қимматли қоғозлар бозорига хорижий инвесторларнинг қизиқиши нихоятда камлигидан далолат беради.

6- жадвал

2010 йил бошидан “Тошкент” РФБда савдо ҳажмлари бўйича кучли ўнталик (TOP-10)

Компания	Ҳудуд	Тармоқ	Битим тах нархи сўм/\$	Акциялар сони, дона	Устав фондидан %	Ўтган даврдаги ҳажмдан %	Савдо ҳажми, млн.сўм
Ўзкабел ОАЖ	Тошкент ш.	Машинасозлик	94 214	63 336	14,7%	9,2%	5 967,1
Капитал банк	Тошкент ш.	Банк	10 000	543 438	16,5%	8,5%	5 534,3
Алоқабанк	Тошкент ш.	Банк	100	49 195 800	9,8%	7,7%	5 014,9
Савдогарбанк	Тошкент ш.	Банк	100	28 278	12,8%	5,9%	3 874,2
Ўзбеккимёмаш	Тошкент вил.	Машинасозлик	133 883	3 115 296	12,9%	5,0%	3 271,1
Ипотекабанк	Тошкент ш.	Банк	1 014	30 485 265	4,4%	4,9%	3 166,4
Ҳамкорбанк	Андижон	Банк	100	30 612 000	13,9%	4,8%	3 152,7
Самарқандбанк	Самарқанд	Банк	44 400	50 060	10,4%	3,4%	2 223,0
Туронбанк	Тошкент ш.	Банк	1 400	1 638 369	9,6%	3,2%	2 086,1
Агро Инвест Сугурта	Тошкент ш.	Молиявий фаолият	1 030	2 000 000	57,1%	3,2%	2 060,0

Манба: “Тошкент” РФБ йиллик ахбороти, www.uzse.uz

Юқоридаги 6–жадвалдан кўриниб турибдики, “Тошкент” РФБда савдо ҳажми бўйича TOP-10 ўнталигини машинасозлик, банк ва суғурта соҳаси эгаллаб турибди. Ушбу TOP-10 ўнталигининг ярмидан кўпини банклар ташкил этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. “Тошкент” РФБда 2010 йилда энг йирик савдо ҳажми бўйича етакчиликни “Ўзкабел” ОАЖ (5967,1 млн.сўм) қўлга киритган бўлса, ундан кейинги ўринларда “Капитал банк” (5534,3 млн.сўм) ва “Алоқабанк” (5014,9 млн.сўм)лар эгаллашган. “Тошкент” РФБнинг савдо ҳажмлари бўйича кучли ўнталигини ҳудудлар бўйича таҳлил қилсак, умумий TOP-10 даги корхоналарнинг 70% Тошкент шаҳрида жойлашганини ва қолган 30% гина Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида жойлашганини таъкидлаш лозим бўлади. “Тошкент” РФБда савдо ҳажми бўйича кучли ўнликка бошқа вилоят вакиллариининг кирмаганлиги салбий ҳолат ҳисобланади.


2008-2010 йилларда “Тошкент” РФБдаги савдонинг тармоқ таркиби

Январ-Декабр, 2010			Январ-Декабр, 2009			Январ-Декабр, 2008		
Тармоқ	Улуш (%)	Сумма (сўм)	Тармоқ	Улуш (%)	Сумма (сўм)	Тармоқ	Улуш (%)	Сумма (сўм)
Банк	49,8	31784705632	Банк	43,9	39418856632	Банк	39,1	43800550050
Машинасозлик	14,6	9291043045	Машинасозлик	19,7	17657997984	Қурилиш	19,0	21238291468
Мол. фаолият	14,6	9284682917	Мол. фаолият	11,6	10452063640	Мол. фаолият	10,5	11750139523
Қурилиш	6,3	3998719357	Қурилиш	6,1	5501995914	Озиқ-овқат	7,2	8077208864
Озиқ-овқат	4,1	2593203084	Озиқ-овқат	6,1	5451058973	Саноат	6,3	7094630717
Саноат	3,4	2190651589	Саноат	4,2	3743582095	ТЭК	4,9	5476772914
Савдо	2,8	1808990676	Савдо	2,7	2394519838	АСК	3,2	3552025804
Кимёсаноат	1,7	1099366443	Металлургия	1,9	1688311139	Кимёсаноат	2,3	2545902089
Хизматлар	0,7	434875683	Транспорт	1,4	1292982050	Савдо	2,2	2445646494
Бошқалар	2,0	1748441476	Бошқалар	2,5	2227118340	Бошқалар	5,3	5906162231
Жами		63800002218	Жами		89828486605	Жами		111887330153

Манба: “Тошкент” РФБ йиллик ахбороти, www.uzse.uz

Юқоридаги 7–жадвалдан кўриниб турибдики, 2008 – 2010 йилларда “Тошкент” РФБда савдолар бўйича банк сектори етакчиликни кўлдан бой бермай келмоқда. 2008 йилда савдо ҳажми бўйича қурилиш соҳаси иккинчи ўринда турган бўлса, 2009 ва 2010 йилларда машинасозлик соҳаси иккинчи ўринни кўлга киритган. 2008-2010 йилларда молиявий фаолият билан шуғулланувчилар барқарор суръатда учинчи ўринни эгаллаб келишмоқда. 2010 йил ҳолатига банк сектори, машинасозлик ва молиявий фаолият соҳалари биргаликда “Тошкент” РФБ умумий айланмасининг деярли 80% ташкил этган. 2010 йилда “Тошкент” РФБнинг умумий айланмасида энг кам улушга эга бўлгани бу кимёсаноат (1,7%) ва хизматлар (0,7%) соҳалари ҳисобланади. Буни қуйидаги диаграммадан ҳам кўриш мумкин.

2010 йилда “Тошкент” РФБдаги савдоларнинг тармоқ таркиби



Юқоридаги 5–расмдан кўриниб турибдики, 2010 йилда “Тошкент” РФБда савдолар бўйича банк сектори етакчиликти ўз қўлига олган ва ушбу ҳолат сўнгги уч йилда ҳам давомий кузатилмоқда. Бу эса банк тизимини Ўзбекистон фонд бозорида энг барқарор сектор эканлигини кўрсатади.

III-боб. Тижорат банкларининг молия бозори фаолият механизмини тартибга солишни такомиллаштириш йўллари

3.1. Тижорат банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш йўллари

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок банк тизимини ҳуқуқий асосини ташкил этишга жиддий эътиборини қаратди. Шунини ишонч билан айта оламизки ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз банк тизимини жаҳдам қадамлар билан қадам ташлашига хизмат қилмоқда. Шунга алоҳида таъкидлашимиз жоизки ҳозирги кунгача тоталитар тузум қолган ҳуқуқий асос тўла тўқис янгилаб чиқилди ва жаҳон банк тизими меъёрларига мос келадиган банкларнинг ҳуқуқий базаси яратилди.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг 5 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан АТ “Тадбиркорбанк” негизида янги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ташкил топди. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса олис ҳудудларда микрокредитга бўлган талабни қондиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга «Микромолиялаш тўғрисида», «Ипотека тўғрисида» ва «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги муносабати билан иқтисодиётни кредитлаш жараёнларидаги меъёрий-ҳуқуқий база мустаҳкамланди, такомиллаштирилди ва бу банклар томонидан ажратиладиган кредитлар миқдорининг кенгайтиришга замин яратмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада

ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли қарорига асосан, тижорат банклари томонидан ташкил этилаётган мини-банкларга оид харажатларнинг солиққа тортиладиган базадан чиқарилиши қишлоқ жойларидаги аҳоли, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун хизмат кўрсатувчи мини-банклар сонининг янада ортишига туртки бўлмоқда. Жумладан, банк хизматлари турларини ошириш ва бунда аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида банклар томонидан ташкил этилаётган мини-банклар сони йил бошига нисбатан 537 тага кўпайди ва 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра уларнинг умумий сони 3 787 тани ташкил этди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда янги банкларни ташкил этиш, шунингдек самарадорлиги паст бўлган банклар фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ бўлган масалалар долзарб ҳисобланади. Тижорат банкларини ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги қонунда ифодаланган. Шу қонуннинг 2-боби "Банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тугатиш тартиби" деб номланиб ўз ичига 7-19 моддаларни олади.

Банклар Республика ҳудудида ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширадилар.

Банкларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида", "Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунлар ва бошқа қонунлари, ҳамда банкка меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларини ташкил қилиш 11 февраль 1999 йилда қабул қилинган "Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида" ги 630-сонли Низом асосида олиб борилади.

Ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби ҳамда шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, тижорат банклари очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари

шаклида ташкил этилиши мумкин.

Банк ташкил этиш жараёни бир неча босқичларга бўлиниши мумкин.

1. Тайёргарлик босқичи.

Бу даврда банк муассислари ўртасида банк ташкил этишга келишилади, ташаббус гуруҳи тузилади, ҳар бир муассиснинг устав капиталига қўшилган улуш миқдори белгилаб олинади, банкнинг таъсис ҳужжатлари мажмуи тайёрланади, банкнинг номи аниқланади, таъсисчилар ўртасидаги келишувлар дастлабки шартнома тарзида расмийлаштирилади, унинг асосида таъсис шартномаси тузилади (ФКнинг 43-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақида»ги қонуннинг 3-моддаси) Акциядорлик тижорат банкларининг муассислари банк давлат рўйхатига олингунига қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

2. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш босқичи.

Бу босқич уч даврни ўз ичига олади:

Банк очиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожат қилиш. Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинмоғи керак:

-янги ташкил этилаётган банкни таъсис этиш бўйича ҳужжат.

-муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг муҳрлари билан ҳамда нотариал тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси. Таъсис этувчилар жисмоний шахс бўлганларида уларнинг имзолари нотариал тасдиқланади.

-муассис акциядорлар йиғилиши томонидан тасдиқланган ва муассислар томонидан уч нусхада имзоланган банк устави.

-банк ташкил этиш ҳақидаги қарор, устав капиталининг миқдори ва уставни тасдиқлаш, банк кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарувини сайлаш ҳақидаги қарорларни ўз ичига олган банк кенгаши раиси томонидан тадиқданган таъсис йиғилишининг баённомаси.

Қайд этиб ўтилган ҳужжатларнинг лойиҳалари Марказий банкнинг банкларни лицензиялаш департаменти маъқуллаганидан кейингина

имзоланади ва тасдиқланади.

Булардан ташқари, Марказий банкка муассислар тўғрисидаги маълумотлар: банк кенгаши аъзолари рўйхати (кенгаш раиси, унинг биринчи ўринбосари) кўрсатилган ҳолда ушбу шахсларнинг Марказий банк талабларига мувофиқ келишларини тасдиқловчи маълумотлар, янги ташкил этилаётган банкнинг ташкилий тузилиши, ички аудит тўғрисидаги Низоми, кредит сиёсати тўғрисидаги Низоми, бизнес режаси, ариза топширувчининг муассислар номидан ариза топшириш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат, ташкил этилаётган жойдаги Марказий банк бош бошқармасининг банк ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси, муайян ҳудудда банк ташкил этиш мўлжалланаётганлиги ҳақида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига берилган билдиришнинг нусхаси ҳам топширилиши лозим.

Тижорат банки филиалини ташкил этиш пайтида ҳам ушбу ҳужжатлар (таъсис ҳужжатларидан ташқари) тақдим этилиши керак бўлади.

Хорижий капитал иштирокидаги тижорат банки ташкил этилаётганда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга қўшимча равишда яна қуйидагилар тақдим этилиши талаб этилади:

- тегишли хорижий муассиснинг банк ташкил этишда иштирок қилиши ҳақидаги қарори;

- норезидент банкнинг Ўзбекитон Респубилкасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган устави;

- банк жойлашган мамлакат банк назорат органи томонидан муассис банк фаолиятини юритиш учун лицензияга эгалиги ва хусусан, қайтариб бериш шарти билан ўз мамлакатада пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эгалигини тасдиқловчи хат;

- банк назорати органининг муассис Банкнинг ўзи жойлашган ва рўйхатдан ўтказилган жойда назорат остида эканлиги ҳақидаги ёзма тасдиқнома;

- банк назорати органининг муассис банкнинг ташкил этилаётган

банкнинг устав капиталида иштирок этиши учун берган ёзма рухсатномаси ёки бундай рухсатнома муассис банк мансуб бўлган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб этилмаслигининг ёзма тасдиғи.

Фаолият юритиб турган банклар устав капиталидаги хисса хорижий шахслар томонидан сотиб олинаётганда ҳам ушбу ҳужжат хорижий шахс томонидан марказий банкга тақдим этилиши лозим бўлади. Булардан ташқари, хорижий муассислар Ўзбекистон Республикасида янги ташкил этилаётган ёки фаолият юритаётган банкларнинг устав капиталида иштирок этган тақдирда;

- хорижий норезидентнинг тўловга қобилиятлилиги тўғрисида унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган тасдиқнома;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этилишида иштирок этиш учун мазкур мамлакат назорат органининг розилиги;

- муассис мансуб мамлакатнинг савдо реестридан кўчирма ёки юридик мақомини тасдиқловчи бошқа муқобил ҳужжат.

Хорижий капитал иштирокидаги банкларда банк кенгашининг камида битта аъзоси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк ташкил этиш учун зарур бўлган барча зарур ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли бўлади. Тақдим этилган ҳужжатлари Марказий банк томонидан икки ойлик муддат ичида кўриб чиқиши керак.

Марказий банк банк фаолияти билан шуғулланиши учун дастлабки рухсатнома бериш масаласини ҳал этиш жараёнида ташкил этилаётган банк муассисларининг молиявий имкониятлари ва нуфузига, банк раҳбарлигига таклиф этилаётган шахсларнинг касбий маҳоратига, бизнес ва молиявий режа кўрсаткичларига, ташкил этилаётган банкнинг бинолар ва ускуналар билан таъминланганлик даражасига ҳам эътибор қаратади.

Банкнинг очилгунга қадар локал тармоқ билан таъминланган бўлиши «БОК» дастурий таъминотнинг тармоқ вариантининг Марказий банк томонидан лицензияланиши, банк ҳисоб-китоблар маркази билан барқарор

ишлайдиган алоҳида алоқа канали билан таъминланиши, камида бешта компьютерга, модемларга, дастурий таъминот ва техникани ишлатиш бўйича таълим олган мутахассисларга эга бўлиши шарт. Муассислар банк ташкил этиш учун дастлабки рухсатномани олганларидан кейин лицензия олиш ҳамда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ташкилий-техникавий талабларни бажарадилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган дастлабки рухсатнома бир йил давомида юридик кучга эга бўлиб, муассислар ушбу вақт ичида барча ташкилий тайёргарлик ишларини амалга оширишлари ва банкни давлат рўйхатидан ўтказишни якунлашлари лозим бўлади.

Тижорат банки акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилаётган муассислардан бири ёки ўзаро боғлиқ бўлган шахслар томонидан банк акцияларининг 5 фоиздан ортиғини сотиб олаётганни ҳақидаги хабар, агар банк акцияларининг 20 фоизидан ортиғи сотиб олинаётганида эса бунга розилик беришни сўровчи илтимоснома тақдим этилаётган ҳужжатлар.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда банк операцияларини амалга оширишга лицензия олиш учун муассислар олдида қуйидаги талаблар қўйилади:

- лицензия бериш ва банкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ваколатлари муассислар томонидан ёзма равишда тасдиқланган вакил шахс томонидан имзоланган аризани тақдим этилиши;

- давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун берилган барча талабларни бажариш;

- барча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширишлари, бинолар ва ускуналарни тайёрлашлари, банк операцияларини автоматик амалга ошириш мақсадида дастурий-техникавий воситаларни тайёрлашлари, касса узелини Марказий банк талабларига мувофиқ тайёр ҳолда келтиришлари;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда устав капиталини тўлашлари ва устав

капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари;

- банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун банк устав капитали энг кам миқдорнинг 0,1 фоизи миқдорида, филиаллар рўйхатга олинётганида эса ушбу маблағнинг ярми миқдорида ҳақ тўланиши, устав капиталининг 30 фоизидан ортиғи хорижий шахсларга тегишли бўлган банклар ва шўъба банкларини рўйхатдан ўтказишда 5000 АҚШ доллариға тенг суммада ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклар ўз устав капиталларини норезидент ҳисобидан кўпайтиришлари ёки акциядорлар томонидан акцияларнинг норезидентларга сотилиши учун белгиланган тартибда Марказий банкнинг олдиндан розилигини олишлари шарт. Ушбу талабга риоя этилмай тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилади ва банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия бекор қилинади.

Банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш масаласи Марказий банк талаб қилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида ҳал этилиши керак. Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда қуйидаги асосий омилларга эътибор берилади:

- банк бизнес режасининг мақбуллиги;
- банк капиталининг адекватлиги;
- даромадликнинг келгусидаги истиқболлари;
- кўзда тутилаётган раҳбарнинг малакаси ва обру эътибори;
- банкни очиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги;
- монополияга қарши чоралар;

Банк операцияларини лицензиялашга бўлган зарурат банкни мамлакат иқтисодий тўлов қобилиятига таъсир этиши билан боғлиқ. Банк операцияларини ўтказувчи амалга ошириши ва рўйхатга олиниши лозим. Тижорат банкни ташкил этилишида унга лицензия берилгандан кейин у лицензия асосида банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар

банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан белгиланган банк операцияларини лицензия олиш учун рўйхатдан ўтмай фаолият кўрсатса бу операциялар қонунга хилоф деб топилади ва жавобгарликка тортилади.

Тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкада давлат рўйхатидан ўтгандагина ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс статусини олади.

Юридик ва жисмоний шахслар тижорат банкни таъсис этувчилари ҳисобланади ва улар банк ва унинг устав капиталини шакллантиришда иштирок этадилар. Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги" қонунга асосан банк устав капиталини шакллантиришга давлат ҳокимият органлари, жамоа бирлашмалари, жамоа фондлар маблағлари, шунингдек кредитга олинган маблағлар ва гаровга олинган маблағлар фойдаланиш ман этилади.

Банк таъсисчилари ўз зиммасига тегишли хужжатларни расмийлаштириш, устав капиталини шакллантириш, материал-техник базасини яратиш, мижозлар куламини аниқлаш, ўтказиладиган банк операциялар турини аниқлаш ва бошқа қатор масалаларини ҳал этишлари лозим.

Таъсисчилар таъсис шартномаси ёки акционер жамиятни тузиш шартномасини расмийлаштирадилар. Бу шартномада банк бошқарув шакли, устав капиталининг тахминий миқдори ва таъсисчиларнинг устав капиталдаги ҳиссалар улуши аниқланади. Шартномада томонлар мажбурияти, ҳуқуқдари ва бошқалар акс этирилади.

Банкни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олиш ва лицензиялаш тегишли талаблар амалга оширилгандан кейин бир ой муддат ичида ҳал этилади.

Банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилишлари мумкин. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари сифатида иштирок эта оладилар. Ҳар бир акциядорнинг устав капиталдаги улуши "Банкларни рўйхатга олиш ва

уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида"ги Низомда кўрсатилишича 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 20 %, 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб 13% , 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб 7% дан ошмаслиги белгиланган. Шунингдек банкларнинг бошқа банклар устав капиталида иштирокига рухсат этилмайди (аммо шўба банклар ташкил этиш бундан мустасно).

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида алоҳида кўрсатилади. Банк муассисларининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ҳар қандай юридик шахс сингари банклар уставига эга бўлишлари ва ўз уставлари асосида фаолият кўрсатишлари керак. Банк уставида қуйидаги моддалар ўз аксини топган бўлиши керак:

- банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва жойлашган (почта) манзили;

- банк кўрсатадиган операциялари рўйхати;

- устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва уларнинг устав капиталидаги улушларнинг тақсимланиши;

- банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

- банк аудити тартиби, шунингдек бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатмалари.

Булардан ташқари банк уставида бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Қонунда кўрсатилишича кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ва солиқга жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакиллантириш мумкин эмас. Аммо алоҳида олинган ҳолларда қонунларда кўрсатилган бўлса бюджет маблағларидан фойдаланишга рухсат бериш мумкин. Банк капиталнинг энг кам миқдори банкни рўйхатга олгунга қадар

унинг муассислари томонидан тўланиши керак. Бу тўланиш керак бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ёки бошқа банкларда очиладиган жамғарма ҳисоб варағига ўтказилади. Банк устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан Тижорат Банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомда (№949-сонли, 2000 йил 25 июл) кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 1 ноябридаги 22-сонли баённомаси билан тасдиқданган «Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби»нинг 16.5 -бандига кўра қўйидаги ҳолларда лицензия бериш ва банкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризанинг рад этилишига асос бўла олади:

- Марказий банк талабларининг бажарилмаслиги;
- таъсис ҳужжатларининг мавжуд қонун талабларига мувофиқ эмаслиги;
- бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қоникарсиз эканлиги;
- муассис жиноий шахс бўлганида ўз маблағларининг манбаи ҳақидаги маълумот бермаганлиги;
- бизнес режа ва молиявий режа пухта тузилмаганлиги;
- банкни рўйхатдан ўтказиш пайтида энг кам устав капиталининг шакллантирилмаганлиги;
- банк раҳбар ходимлари ва бош бухгалтернинг ўз касбига нолайиқлиги;
- ташкилий-техникавий тадбирларнинг бажарилмаслиги;
- Марказий банк томонидан банк ташкил қилиш учун берилган дастлабки рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги

Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 49-моддасига кўра, банк муассасини, яъни юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Банкни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий мажлиси қарорига кўра амалга оширилиши мумкин. Бу қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг рухсати билан амалга оширилади.

- банк кенгаши раиси имзоланган илтимоснома
- акциядолар умумий йиғилишининг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;
- банкни қайта ташкил этишнинг тахминий шартлари, шакллари, тартиб ва муддатларини акс эттирадиган ҳужжатлар;
- қайта ташкил этишнинг натижалари ҳақидаги молиявий тахминлар, шу жумладан, банкнинг у қайта ташкил этилганидан кейин ҳисоб-китоб баланси ва банкни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар.

Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистан Республикаси Марказий банки томонидан икки ой давомида кўриб чиқилади.

Марказий банк томонидан банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни бекор қилиш учун берилган лицензияни бекор қилиш анча мураккаб ҳуқуқий тадбир бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг тўхталиши ва тугалишида муҳим асосдир. Банк фаолиятини тўхтатиш ва банкларни тугатиш "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунда ҳамда Марказий банкнинг 240-сонли "Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом"да кўрсатиб ўтилган. Жумладан банк қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади: акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра, Марказий банк лицензияни қайтариб олганда, банкрот деб эълон қилинганда. Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни Давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади. Уни фаолияти тўхтатилганлиги матбуотда эълон қилинади. Фаолиятни тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби низомда белгилаб берилган.

Аммо бу низом банк банкрот деб эълон қилинганда амалга киритилмайди.

Лицензиянинг бекор қилиниши:

- тижорат банки томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатига нисбатан қўлланиладиган қаттиқ ҳуқуқий санкция;

- қонун бузилиш ҳолатига давлатнинг ўз бошқарув муассасаси Марказий банк орқали билдирилган муносабати;

- банкнинг банкротлиги учун формал асос ҳисобланади.

Лицензия бекор қилингандан кейин банк мавжуд бўлиб туради, аммо банк операцияларини амалга ошира олмайди. Лицензияни бекор қилиш Марказий банк бошқаруви томонидан қўлланадиган оғир жазо чораси ҳисобланганлиги сабабли, бошқа жазо чоралари натижа бермаган қуйидаги ҳоллардагина қўлланилади;

- банк тўлов қобилиятини йўқотиб, пасивлари активларидан ортиб кетганида;

- лицензия берилишга асос бўлган маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқданганда;

- банк ўз кредиторлари ва омонатчилари олдидаги мажбуриятларини ўташга қобилиятсиз бўлиб қолганда;

- ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;

- банк операцияларини қонунчиликка ва лицензия шартларига ҳилоф тарзда амалга оширилганида;

- лицензия берилганидан кейин бир йилдан ортиқ вақт давомида банк операцияларини амалга оширишга киришмаслиги оқибатида;

- Ўзбекистон Республикасида шўъба банк очган хорижий банк лицензиясининг чақириб ўз мамлакати томонидан бекор қилинганида.

Лицензияни бекор қилиниши Марказий банкка тижорат банкнинг судга муражаат қилмасдан мажбурий суратда тугатилиши учун асос бўлади. Буни Марказий банк томонидан тайинланган тугатиш комиссияси амалга оширади.

Ликвидатор (тугатувчи) Марказий банк билан келишилган ҳолда акционерлар умумий йиғилиши томонидан банкни тугатиш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб 3 кун мобайнида тайинланади. Тугатиш жараёнининг мақсади банк омонатчилари ва кредиторлари талабларини тезлик билан қондиришдан иборат. Банкни тугатиш жараёни Марказий банк бошқарувининг лицензияларни қайтариб олиш тўғрисидаги қарори чиққан

кундан бошланган деб ҳисобланади. Тугатилаётган банкнинг Марказий банк мажбурий захиралар ҳисоб варағида ҳисобда турган маблағлари тугатувчи томондан банкни тугатиш жараёни бошланганлиги тўғрисидаги тасдиқнома тақдим этилгандан сўнг банкнинг тугатиш ҳисоб-варағида акс эттирилади. Марказий банк томонидан тугатиш жараёни башлангандан сўнг чеклашлар киритади яъни акциядорлар умумий йиғилиши, бошқа органлар ваколатлари тўхтатилади. Банк ҳисобидан ва номидан ҳеч қандай иш бажарилмайди, қарз мажбуриятлари муддати ўтган ҳисобланади. Банкнинг тугатилиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- моддий назорат ва инвентаризация;
- активларни текшириш;
- активларни баҳолаш ва сотиш;
- сотувдан тушган тушумларни жойлаштириш;
- тугатиш жараёнини аниқлаш.

Марказий банк тугатиш жараёнини назорат қилиб туради. Банкни тугатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар мазкур банк ҳисобидан амалга оширилади. Банкни тугатиш жараёни икки хил бўлиши мумкин:

ихтиёрий тугатиш ёки мажбурий тугатишдир.

Банкни ихтиёрий тугатиш кредиторлар ва омонатчилар олдида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш имконига эга бўлган банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан банкни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий тугатиш Марказий банкнинг банк фаолияти амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги қарорига асосан амалга оширилади.

Банкларни тугатиш тўғрисидаги низомининг 4-бўлимида тугатувчи (ликвидатор) ваколатлари ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Банк тугатилиши бошлангандан сўнг Марказий банк моддий назоратни ўрнатади ва ликвидатор инвентаризация ўтказади. Шунингдек ликвидатор активларни

текшириб тугатиш хисоботини тайёрлаши лозим: унда якуний баланс, вакиллик хисоб варақалари аҳволи тўғрисидаги хисоботлар, пул маблағлари ва валюта хисобини юритиш, баланс ва кредит портфели буйича кредитор қарздорлигини текшириши лозим. Ликвидатор банк активларини: яъни пул маблағлари, ссудалар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта маблағларини баҳолаб сотади. Ликвидатор низомга асосан омонатчилар ва кредиторлар талабини қондириш керак. Тугатиш ишлари якунлангандан сўнг ликвидатор бажарилган ишлар тўғрисидаги якуний хисоботни ва тугатиш балансини тузади ва Марказий банкка тақдим этади. Марказий банк ликвидатор тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, банкни банкларни рўйхатга олиш Давлат хисобидан чиқариб ташлаш тўғрисида қарорни қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш борасида:

- ипотека қимматли қоғозларини чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва сўндирилишининг қонунчилик базасини яратувчи «Ипотека қимматли қоғозлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- акциядорлик жамиятлари, шу жумладан акциядорлик банклари акцияларини дастлабки оммавий жойлаштиришнинг (IPO) меъёрий-қонунчилик базасини такомиллаштириш;

- Базель қўмитасининг банк тизими барқарорлиги, ишончлилиги ва шаффофлигини, корпоратив бошқарув даражасини ошириш, тижорат банклари таваккалчилигини баҳолаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларини босқичма-босқич жорий этиб бориш каби ишлар амалга оширилади.

- «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги муносабати билан микрокредитлаш жараёнларини янада жонлантириш;

Мамлакатимиз иқтисодиётида бозор механизмининг асосий қисми саналган тижорат банкларининг самарали операциялари

тизимини яратиш учун ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш асосида банк фаолиятида маркетинг, коорпоратив бошқарув, рекламадан кенг фойдаланиш, шунингдек энг муҳими тижорат банклари операцияларини фаоллаштиришда бу соҳаларни тадбиқ этиш муҳим омил ҳисобланади.

Маълумки, тижорат банклари операцияларини фаоллаштириш жараёнида бир қанча омиллар ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади, шулардан банк маркетингини банк операцияларини фаоллаштиришдаги ўрнига тўхталиб ўтсак.

Банк маркетинги кредит ресурслари бозорини ўрганиш, миқдорларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва қилинган ҳулосалар заминида банкка омонатларни жалб қилиш имкониятларини, ҳамда банк фаолиятидаги мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан тахмин қилишга қаратилади.

Маълумки, банк бошқаруви ва унинг барча турдаги фаолиятларининг мақсади миқдорларни жалб этиш, ўз хизматларини сотиш соҳасини кенгайтириш, молия бозорини эгаллаш, олинаётган фойдани оширишдан иборатдир.

Маълумки банк фаолияти такрорланувчи операцияларга асосланади. Шу сабабли у миқдорларни сақлаб қолиш ва кенгайтиришга, узоқ муддатга миқдорларга молиявий хизматлар кўрсатиш марказига айланишга интилади. Банк миқдорларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унга ҳақиқатдан керак нарсани бера олмағи лозим. Индустриял ривожланган мамлакатлардан аҳолининг банк операциялари жалб этилиши жуда юқори: уй хўжаликларининг 80% га яқини банк миқдорлари, жорий ва жамғарма ҳисоб варақларига эга, кредит карточкалари бор. Бундан ташқари банклар мавжуд миқдорларга янги турдаги хизматлар таклиф этишни кенгайтирмоқда. Банкка маълум бир операциялар амалга ошириш учун мурожат қилган миқдорларга, қўшимча ёки ўхшаш операциялар таклиф қилиш

кенгаймоқда.

Тижорат банклари рақобатчилик шароитида омонатчиларни жалб этиш учун ташкилот корхона ва аҳоли маблағларини анча узоқ муддатга жалб этишга қаратилган фоиз сиёсатидан фойдаланилади. Тижорат банклари фоиз сиёсатининг ишлатилиши, хусусан фоиз ставкаларини белгилаш ва назорат қилиш, бир вақтнинг ўзида ташкилот ва корхоналарни кредитдан фойдаланиш фоиз ставкалари назорати билан биргаликда олиб борилади. Фоиз сиёсатида маркетинг бир вақтнинг ўзида мижозларни эффектив кредитлашни рағбатлантириш ва улар томонидан ўз молиявий ресурсларини йиғишни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Банк замонавий маркетингнинг яна бир хусусияти, корхоналар ташкилотлар ва аҳолига берилаётган ссудаларнинг таваккалчилик даражасини аниқлашдан иборат. Сўнгги ўн йилликда банк тизимида, шунингдек ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам, қатор ўзгаришлар рўй берди, ва улар банк фаолиятини мураккаблаштирди. Бу ҳодисаларни қисқача қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Банклар ўртасида омонатчиларнинг ресурслари, жалб қилинган ресурслар жойлашишинг энг муносиб йўллари учун рақобат кучайди, бу эса банк фаолияти кўрсаткичларида акс этди (ўсиш суръатларининг пасайиши, айрим ҳолларда эса банк фойдасининг пасайиши, алоҳида банкларнинг ёпилиши, ишончсиз қарзларнинг активдаги ҳиссасининг ошиб борилиши). Миллий бозорда фаолият кўрсатиш рухсат олган чет эл банклари ҳам рақобат кўрсатилади. Интернационал ривожланган мамлакатлар кредит тизиминининг одатийдир ва бу жараённинг Россиядан ўтказилиши, миллий банклар учун қўшимча муаммодир.

Банкнинг ишонч (траст) хизматларини қимматли қоғозлар, депозит операциялари ва мулкни бошқаришга боғлиқ бўлиши мумкин. Бу хизмат турлари облигация бериш бўйича агентлар функциялари, купонлар тўлаш ва қимматли қоғозларни сақлашдан иборат. Бу хизматларнинг

ривожланиши қимматли қоғозлар бозори ташкил этилиши билан боғлиқ. Бизнинг мамлакат шароитидан бўлган акциялар мамлакатлар ва харидор корхоналар ўртасида даллоллик қилишлари мумкин. Банк мижозлари тезкор депозит айлантириш мумкин бўлган пул маблағлари барқарор қисмини аниқлашга ёрдам беради.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мижоз томонидан банклар танлашда қуйидагилар асос бўлади. Биринчидан ўрнига мижозлар одатда таклиф қилаётган хизматларнинг сони ва сифатини, ундан кейин банкдаги ва рақобатчи банклардаги хизматларнинг баҳо даражаси, мижозларнинг тўғри тушуниш ва операцияларни ўтказиш тезлиги туради. Бозорни ўрганиш хизматларини сотиш талабларини ўрганишни тақозо этади ва бу ҳолатларда банк, филиаллари ва бўлимларини энг риционал жойлаштириш, кредит муассаси турини танлаш, ходимлар масъулиятини аниқ тақсимлашни ўз зиммасига олади.

3.2. Банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини мувофиқлаштиришни механизмини такомиллаштириш масалалари

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, молия тизимини давлат томонидан мувофиқлаштиришни ислоҳ қилиш йўналишларидан бири бу – молия бозорини макрорегуляторини яратишдир. Макрорегулятор – ўзида барча молия бозори қатнашчиларини бирлаштирадиган, миллий молия бозорини мувофиқлаштирувчи ташкилий ҳуқуқий шаклдир.

Макрорегуляторларни бажарадиган функциясига кўра икки тури мавжуд. Улар қуйидагилар:

- Фақат назорат функцияларини амалга оширадиган. (Масалан Японияда 1998 йилдан, Жанубий Кореяда 1998 йилдан, Венгрияда 1996 йилдан, Данияда 1988 йилдан буён.)

- Назорат ҳамда қоида ўрнатиш функцияларини бажарадиган. (Масалан Канадада 1987йилдан, Австралия ва Сингапурда 1998 йилдан буён)

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, молия бозори макрорегуляторни тадбиқ этиш учун тайёр бўлиши лозим. Макрорегуляторнинг икки тури ўзларининг камчилигига ва устунлигига эга. Масалан Оврўпа иттифоқининг олти давлатида (Испания, Португалия, Франция, Италия, Греция ва Нидерландия) мувофиқлаштириш ва назорат функциясини фақатгина фонд бозори ва биржалар фаолиятини америкача модел SEC (Securities and Exchange commission) асосида назорат қилувчи мустақил орган амалга оширади. Россияда макрорегуляторни жорий қилиш Буюк Британия компанияси томонидан 1999 йили таклиф қилинган эди. Шундан сўнг Россияда давлат макрорегулятори функциясини бажарадиган Молия бозори федерал хизмати ташкил этилди.

Ўзбекистонда макрорегуляторни тадбиқ қилиниши қуйидаги иқтисодий тенденциялар асос бўлмоқда:

- молия институтларининг универсализацияланиши;
- Молия бозорининг ҳар хил секторига тегишли молиявий хизматларни таклиф қиладиган молия институтларининг эгаси консолидациялашган мулкдорга қарашлилиги.
- Фонд бозори иштирокчилари фаолияти тўғрисида ахборотларни шаффофлигини ошириш ва хатарлилик даражасини камайтириш. Молия бозорини унификация ва стандартизация йўли билан интернационализация ва глобализациялаштириш;
- Секьюритетрика ва молия инжинирингни ривожлантириш;

Шу йўсинда Ўзбекистон учун қуйидаги масалалар муҳим ҳисобланади:

- Савдо ва реал секторга тегишли йирик корхоналарни молия бизнесига кириб келиши;
- Интернет- молиявий тижоратни шаклланиши билан молия хизматларини диверсификациялаш;

- Молия бозори индустрияси сифатини бошқаришнинг комплекс тизимини шакллантириш;

Ўзбекистонда макрорегулятор олдида турган асосий масалалар:

- Молия бозорини мувофиқлаштириш билан боғлиқ айрим давлат институтлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш;
- Инвестиция қилиш учун ликвид молиявий инструментлар турларини кенгайтириш;
- Молия бозори инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, айниқса ҳудудий даражада.
- Хусусий омонатчиларга хизмат кўрсатадиган банк ва суғурта компаниялар билан ишлаш алоҳида йўналиш бўлмоғи лозим.

Макрорегулятор қуйидагиларни амалга оширишга ёрдам беради:

- функционал регуляторларнинг биргаликдаги ҳаракатлари самарадорлигини оширади.
- Ҳаракатларнинг ўзаро келишув тезкорлигини оширади;
- Молия бозорини ривожлантириш умумий концепциясини яратиш;
- Фавқулот вазиятларда конфиденциал ахборот билан алмашиш схемасини тадбиқ этиш;
- Стандартлар ва қоидалар умумий сиёсатини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда макрорегуляторни тадбиқ этиш, меъёрий –ҳуқуқий асослардаги камчиликларни, молия инструментларни турларини камлигини, назорат қилувчи органларнинг мустақиллигини етарли даражада эмаслиги каби муаммоларни ҳал қилиши мумкин ¹⁰

Ҳозирги кунда қимматли қоғозлар миллий бозорининг ривожланиши ва жаҳон молия бозорига интеграциялашуви жараёни кетмоқда. Лекин ҳали давлат молиявий инструментлардан фойдаланишнинг аниқ такомиллашган умумий механизми мавжуд эмас. Яъни давлатнинг ўз молиявий инструментлари орқали молия бозоридаги иштирокини самарадорлиги жуда

¹⁰ Ш.Ш.Шохаъзамий. возможности создания макрорегулятора финансового рынка в Узбекистане. ПКБ журналы №4 (107) апрел,2006 йил.6 б.

паст. Давлатнинг жуда кўплаб молиявий активлари ҳаракатсиз ҳолатда турибди, бу эса эҳтиёж учун зарур харажатлар миқдорининг ортишига, муомаладаги мавжуд валютанинг кўпайишига, бюджет даромадларини шакиллантиришда асосий оғирликни иқтисодиётнинг ишлаб чиқарувчи тармоқлари зиммасига юкланишига ва натижада бу тармоқларда солиқ юкининг ортишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун давлат молиявий инструментларини қимматли қоғозлар бозоридаги ҳаракатини тартибга солиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришиш мумкин. Бу борада ривожланган давлатларда фонд бозорини ривожлантириш жараёнида қўлланилган моделлар ва давлатнинг молиявий инструментлар орқали иқтисодиётга таъсири борасидаги тажрибаларни республикаимиз фонд бозорига тадбиқ этиш ижобий натижалар бериши мумкин. Бунинг учун қимматли қоғозларнинг валютавий ва давлат инструментлари сегментларини ривожлантириш, давлат улушлари бўйича даромадларининг ҳаракатчанлигини таъминлаш зарур.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартиблаштириш механизми ва унинг жаҳон тажрибасини тизимли таҳлил қилиш асосида аниқланган мавжуд муоммоларни ечиш, унинг истиқболларини белгилаш мақсадида амалга оширилган тадқиқот иши натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни келтирамиз:

- ҳар бир мамлакатнинг банк-молия тизими иқтисодиётнинг ажралмас бўғини ҳисобланиб, унинг самарали мувофиқлаштирилиши жаҳон тажрибаси натижаларидан асосида амалга оширилишини талаб қилади;

- молия бозорида банкларнинг фаолиятини тартибга солишни мувофиқлаштиришнинг жаҳон тажрибасини таҳлил қилиб, шунини айтиш мумкинки, миллий молия бозорида банклар фаолиятини тартибга солишни янада ривожлантириш зарур, чунки, мамлакатимизда банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини мувофиқлаштириш фақат давлат томонидан амалга оширилади;

- мамлакатимиз молия бозорида банкларнинг фаолиятини тартибга солишни амалиётда ижобий натижаларга олиб келгиши мумкин бўлган молия бозорини тартибга солишнинг тамойиллари ва етакчи моделлардан фойдаланиш зарур;

- жаҳон амалиётида, хусусан, 13 та мамлакатда молия бозорини тартибга солишда макрорегуляторлардан фойдаланилганлиги ижобий натижаларига олиб келган ва келажакда макрорегулятор концепциясининг молия бозорини мувофиқлаштиришнинг энг мақбул усули бўлиб чиқиши мумкин;

- Ўзбекистонда банкларнинг молия бозоридаги фаолиятини тартибга солишда уларнинг транспарентлигини янада оширишни тақозо этади.

Молия бозорида акциядорлик компаниялари корпоратив бошқарув тизими англо-саксон (“инвесторлик”) моделидан фарқли континентал (Германиядагига ўхшаш “инсайдерлик” ёки “икки поғонали”) моделга асосланганлиги ва ички нодавлат инвестициялар ҳажмини камлиги,

хусусийлаштириш механизми кам самарали бўлгани ва регуляторларнинг кўп сонлиги, банклар, суғурта ташкилотлари ва бюджетдан ташқари фондларнинг етарлича инвестицион самара билан ишламаётгани сабабли, барча ўтиш иқтисодиётига мансуб мамлакатлар сингари маълум даражада муаммолар келиб чиқмоқда:

1. Миноритар акциядорлар улушлари камайиши ҳисобига йирик акциядорлар пайдо бўлиши, натижада инвестициялар сифатидаги молиявий ресурслар жалб қилиниши сусайиши кузатилмоқда. Чунки йирик инвесторлар корпоратив манфаатлари ила компанияларда устувор мавқени эгаллаб, ташқи портфел инвестициялар оқимига тўсқинлик қиладилар, бу эса янги эмиссияларга (айниқса *IPO* механизмини жорий қилинишини) йўл бермайди, листинг даражасидан узоқлаштиради, қимматли қоғозларнинг очик бирламчи ва давомий узлуксиз иккиламчи бозори ривожига салбий таъсир кўрсатади. Бунда айтиш жоизки, кўпчилик ички стратегик инвесторлар акцияларини йирик пакетлари доирасида компанияларига узоқ муддатли қўшимча инвестицияларни йўналтиришни кўпдан ҳоҳламайдилар, балки иложи борича компаниянинг ички резервлари ҳисобига ўзларининг сарфлаган капиталлари қайтимига қизиқадилар, бу эса компаниянинг капитализация даражасини кескин пасайтириб, модернизациялаштириш ва инвестицияларга муҳтожлигини кескин оширади. Ташқи йирик стратегик инвесторлар эса ўзларига тобе бўлган компанияни узоқ муддатли стратегик режа ва манфаатлари или иккиламчи бозорга чиқаришга мойил бўлмайдилар.

2. Банк тизими модели англо-саксон моделидан фарқли кўпроқ Германиядагига ўхшаш моделга асосланганлиги банкларни молия бозорларида тўлиқ қонли инвестицион ва кредит операцияларнинг ташаббускори ва катализатори сифатида фаоллик қилишига тўсқинлик қилмоқда. Банклар учун акциялар бозори юқори riskли бўлгани ва компанияларнинг корпоратив бошқарувида иштирок этишга мойил бўлмаганликлари (назорат пакети бўлмаганлиги ва уларнинг асосий фаолиятлари доирасидан ташқари бўлганлиги) учун портфел инвестицияларга

кам мойил бўладилар. Бундан ташқари банкларнинг ресурслари, капитализация даражаси ва маржаси нисбатан камлиги сезилмоқда.

3. Нисбатан кўп вақт давомида хусусийлаштирилган компанияларда давлатнинг ихтиёрида акцияларнинг йирик пакетлари туриб қолганлиги ва уларда корпоратив бошқарув ва менежмент (молиявий, административ ва стратегик) тизими самарасиз қолганлиги (унда асосан давлатнинг ишончли вакиллари сифатида давлат органлари хизматчилари ва ишончли бошқарувчи компаниялар давлат номидан қатнашганлари самарасиз бўлганлиги), натижада реструктуризация самарасиз амалга оширилиб, модернизация қилинмай молиявий аҳволи борган сари ёмонлашиб борганлиги сабабли, давлат ресурсларининг кўп қисми стратегик ва спекулятив портфел инвесторларга сотилиши қийин бўлиб келмоқда, сотилса ҳам йирик инвесторларга кетмоқда, натижада салбий ҳолатлар юзага келмоқда. Бунда банклар ва бошқа молия институтларининг инвестицион фаоллиги сезилмай келмоқда, хусусийлаштириш органи эса ҳозирда кўп мамлакатларда самара бераётган *IPO* механизмини қўллаш асосида давлат ресурсларини самарали жойлаштиришни жорий қилмаяптилар.

4. Компанияларнинг базавий қимматли қоғозлари жалбдор ва товар бозорида рақобатбардош бўлмаганлиги, давомий узлуксиз барқарор иккиламчи (спекулятив) бозор йўқлиги сабабли, базисли қимматли қоғозлар (деривативлар) бозори шаклланишига йўл бермаяпти.

5. Банклар ва турли компанияларда эмиссион, дивиденд ва инвестицион сиёсатлари менежментининг уйғунликдаги оптимал балансига эришиш масаласига аҳамият берилмасдан келинмоқда, натижада улар ички ва ташқи ресурсларни самарали жалб қила олмаяптилар.

6. Юқоридагилар ва бошқа сабабларнинг барчаси мамлакатда коллектив инвесторлар институтларини инвестицион жараёнда сезиларли эмаслигига, аксинча йирик деярли самарасиз бўлган инвесторларнинг салмоғини кескин ошиб кетишига олиб келмоқда.

Молия бозори қатнашчиларининг фаоллиги суст, муомаладаги

молиявий инструментларининг тури кам, рисклилиги ва волатиллик даражаси баланд, капитализацияси ва ликвидлилиги паст, хажми кам, обороти секин, тартиблаштириш механизми такомил эмас ва ҳ.к. Буларнинг барчаси вақтинчалик ҳолат бўлиб, келажакда бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг молия бозорлари сингари рақобатбардошлик даражасига эришиши муқаррар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8 декабр 1992й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғриси”даги Қонуни 22 июл 2008й.;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғриси”даги Қонуни 21 декабр 1995й.;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банклар фаолияти тўғриси”даги Қонуни 25 апрел 1996й.;
5. “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2008 йил 21 февраль, ПФ №3968
6. “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 28.11.2008 й, ПФ № 4058
7. “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2008 йил 18 ноябрь, ПФ №4053 сон.
8. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаштиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2007 йил 14 март, ПФ №-114.

9. “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелидаги Қарори, ПҚ–1090-сонли.

10. “Банкларнинг капитализациясини янада ошириш ва уларни иқтисодиётни модернизациялаш бўйича инвестиция жараёнларида катнашиш фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлидаги Қарори.

11. “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги Қарори, ПҚ-726-сон.

12. “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 2006 йил 27 сентябр, №ПП-475.

13. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи инвестиция консултантлари сифатида касбий фаолиятини амалга оширишга оид талаблар тўғрисида Низом 2 апрел 2008й.;

14. Республика Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарни молиявий барқарорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони 18 ноябр 2008 йил;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.

16. «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2008 йил 28 июль №160.

17. Каримов И. “Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т. Ўзбекистон 2010 йил;

18. Каримов И. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т. Ўзбекистон 2009 йил;
19. Каримов И. “Банк тизими, пул муомиласи, кредит инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” Т. Ўзбекистон 2005 йил;
20. Каримов И. “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида” Т. Ўзбекистон 1995 йил;
21. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
22. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. - 89 б.
23. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.
24. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.
25. Бирман Г. “Экономический анализ инвестиционных проектов” (пер.с англ.) М.Банки и биржи 1997г.;
26. Жуков Е. “Общая теория денег и кредита” М.Юнити 1995г.;
27. Каримов Н. “Банковское кредитование инвестиционных проектов” Ж.Рынок, деньги и кредит №9 2002г. Стр22;
28. Бутиков И. “Қимматли қоғозлар бозори” Т.Консаудитинформ 2001йил;
29. Муллажонов Ф. “Ўзбекистон банк тизимининг ривожлантириш йўлланишлари ва истиқболлари” Ж.Бозор, пул ва кредит №1 2007йил 3-11бетлар;
30. Шохазамий Ш. “Рынки: финансовые и ценных бумаг” Т.ТФИ 2003г.;
31. Шохазамий Ш. и др.“Теория безрисковости действий на рынках:

финансовом и ценных бумаг” Т.ТФИ 2004г.;

32. Гозибеков Д. “Проблемы инвестиций” Т.Молия 2003г.;

33. Кадиров А. “Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности” Сан.Петер.1993г.;

34. Жукова Е. “Деньги, кредит, банки, ценные бумаги” М.Юните 2001г.;

35. Абдуллаев Ш. “Банк рисклари ва кредитлаш” Т.Молия 2002йил;

36. “Банковское дело” Учебник под ред.О.И.Лаврушина, Москва:Финансы и статистика, 1998г.;

37. Алиев И. “Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари” Т.2007йил;

38. Толипов К. “Қимматли қоғозлар бозори: барқарор фаолият” Ж.Бозор, пул ва кредит №8 2008 йил 22 бет;

39. Шарп В. И др. “Инвестиции“ М.Инфра-М. 1997г.;

40. Бурханов А. “Активизация инвестиционной деятельности”, “Рынок, деньги и кредит” №5 2001г.;

41. Бочаров В.В., Леонтьев Н. “Корпоративные финансы” Санкт - Петербург, 2002г.;

42. “Банковское дело и финансирование инвестиций” Том-1 (под ред.Брукан) М.Перспектива 1995г.;

43. Гуревич М.И., О.В.Горшков “Предложения по развитию банковского сектора”, “Банковское дело” 2003г. №1, стр16-17;

44. Панова Г.С.”Кредитная политика комерческого банка” Москва 1997г.;

45. Триф А.А. “Инвестиционная и кредитная деятельность комерческих банков” Москва, “Экономика” - 1997г.;

46. Управление рисками комерческого банка. Учебное пособие (Под редакцией Мери Элизабет) Ворд.Рабочие материалы института “Экономического развития Мирового банка”;

47. Вахобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. –Т.: Шарқ, 2003. – 400 б.

48. Шохаъзамий Ш.Ш. «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА I. Учебник.-Т.: «Иқтисод – молия», 2005.-740 с.
49. Шохаъзамий Ш.Ш. «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА II. Учебник.-Т.: «Иқтисод – молия», 2005.-850 с.
50. Шохаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник.-Т.: Иқтисод-молия, 2005.- 294 с.
51. Шохаъзамий Ш.Ш. Качество индустрии рынков: финансового и ценных бумаг.-Т.: ТФИ, 2004.-138 с.
52. Л.Дж.Гитман, М.Д.Джоник. Основы инвестирования.-М.: Дело, 1997.
53. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1028 с.
54. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ. /Гл. ред. Серии Я.В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 801 с.
55. Фондовый рынок и мир: Учебник/Под ред. К. С. Царихин – М.: Издательский дом «Социальные отношения» 2008 г.
56. Вы и мир инвестиций: Учебное пособие – 3-е издание. , испр/Под ред. Софьи Нагорная.- М.: Вече, 2003 – 80ст.
57. Инвестиции: Учебник/Под ред. В. В. Бочаров – СПб.: Питер 2002 г.
58. Рынок ценных бумаг: Учебник/Под ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. – М.: Финансы и статистика, 2000.
59. Баринов Э.А., Хмыз О.В. Рынки: валютные и ценных бумаг. – М.: Экзамен, 2001. – 608 с.
60. Ценные бумаги: Учебник/Под ред. В.И. Колесникова, В.С. Торкановского. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 448 с.
61. Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб.пособие. 2-е изд., с изм. – М.: Экономистъ, 2005. – 687 с.
62. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи / Илмий-оммабоп рисола.- Т.: ТДИУ, 2008, 57 б.

63. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Глобаллашув жараёни ва молиявий инқироз сабаблари. // Адолат, 2009 йил 27 февраль.

64. Программа мер по нейтрализации последствий мирового кризиса – в действии. // Бизнес-вестник Востока. № 12, от 19 февраля 2009г.

65. Программа мер по нейтрализации последствий мирового кризиса – в действии. // Бизнес-вестник Востока. № 12, от 19 февраля 2009г.

66. Финансовый кризис приведет к перестановке сил мирового сообщества. // Бизнес-вестник Востока, №18, от 12 марта 2009г.

67. Самые низкие темпы инфляции среди стран СНГ зафиксированы в Узбекистане. // Бизнес-вестник Востока, №9, от 10 февраля 2009г.

68. Бланд М. Финансовый кризис. – М.: АСТ-Астрил-Харвист. 2008 – 288

69. На пути обеспечения финансовой стабильности. //Бизнес-вестник Востока. № 100, от 16 декабря 2008г.

70. Шохаъзамий Ш.Ш. Рынок ценных бумаг Узбекистана: состояние и факторы развития. Журнал «Рынок, деньги и кредит» #3 март 2007 г 35-ст

71. Интернет сайтлари:

<http://cbust.uz>- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти

<http://uba.uz>- Ўзбекистон банклари ассоциацияси расмий сайти

<http://www.review.uz>.

<http://www.uzland.uz>.

<http://www.rating.uz>.

<http://www.uzse.uz>.

<http://www.avestagroup.uz>.

<http://www.deltamax.biz>

<http://www.rts.ru>.

<http://www.kommersant.ru>